

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З. М. БОБУР НОМИДАГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими

Илмий раҳбар: Ю.Ф.Н. Т.МАДУМАРОВ

Бажарди: кундузги бўлим

4 – босқич талабаси Эргашев Сайдулло

АНДИЖОН – 2014 йил

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....3 - 7

I – боб. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти.....8-44

1.1. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси ва унинг асосий принциплари.....8 - 17

1.2. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқининг қарор топиши ва
ривожланиши.....17 - 32

1.3. Ўзбекистонда сайлов тизими тушунчаси ва унинг
шаклланиши.....32-44

**II – боб. Ўзбекистонда сайлов тизимининг такомиллашуви
масалалари.....45-65**

2.1. Сайлов қонунчилигининг такомиллашуви.....45-50

2.2. Икки палатали парламентга сайловнинг ўзига хос хусусиятлари.....50-56

2.3. Хорижий мамлакатларда сайлов тизими: қиёсий - ҳуқуқий таҳлил....56-65

Хулоса.....66-70

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....71-73

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Умумхалқ сайловлари орқали конун чиқарувчи органларни шакллантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Демократик давлатларда сайловлар муҳим аҳамиятга эгадир, зеро, улар мамлакат парламенти қандай сиёсий кучлардан ташкил топишини аниқлаб беради. Парламент сайловлари мамлакат аҳолисининг кайфияти ва кимни афзал билишини намоён этувчи кўрсаткич сифатида ҳам катта аҳамият касб этади. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қуйидаги фикрни билдирганлар: **«Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар айниқса яққол намоён. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди».**¹

Бошқача қилиб айтганда, сайлов ўтказмай туриб, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни тасаввур ҳам этиб бўлмайди, бинобарин, сайловлар давлат ҳокимиятини ошқора янгилашнинг самарали омилidir. Шунинг учун сайловлар ҳозирги замон демократиясининг муҳим институти, халқ ўз хоҳиш – иродасини ифода этиши ва сиёсий жараёнда, давлатни бошқаришда иштирок қилишининг асосий шаклларида бири ва, айти пайтда, ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш усуlidir. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, эркин сайловлар нафақат ҳокимиятни шакллантириш усули, балки унинг халқ олдидаги масъулиятини намоён этиш ҳамдир.

Мамлакатимизда парламентни ислоҳ қилиш бўйича давлатимиз томонидан олиб борилаётган изчил ислохотлар, бугунги кунда парламент палаталари нуфузининг янада ортиб бораётганлиги ва парламентнинг оддий бир палатали парламентдан амалдаги икки палатали замонавий парламентга айланаётганлиги, сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими масалаларини таҳлил этиш зарурати ҳамда шу соҳага доир айрим муаммоларни бартараф этиш йулларини очиб бериш лозимлиги **тадқиқот мавзусининг долзарблигидан** далолат беради.

Бугунги кунга келиб эса, мамлакатимизда аҳолининг сиёсий фаоллигининг ошиши, фуқаролик жамияти институтларининг, биринчи навбатда одамларнинг фикри ва нуқтаи назарларини давлат даражасидаги муҳокамага қадар етказиб берувчи сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли кучайиши билан боғлиқ ҳолда янги икки палатали парламентга ўтиш учун сиёсий, ижтимоий ва бошқа шарт шароитлар етилди. Ўз навбатида, янги парламентнинг шакллантирилиши билан мазкур давлат

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т. “Ўзбекистон” 1999. 310 б

органининг ўта муҳим давлат қарорларини қабул қилишга таъсири янада ортади. Икки палатали парламентнинг қарор топиши ҳудудларга қонун чиқарувчи органда ўз манфаатларини тўлароқ ифодалашга имкон бериб, бу парламент томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди.² Ўзбекистонда парламентни профессионал асосга ўтказишдан кўзланган яна бир асосий мақсад – бу депутатлар ва сенаторларнинг профессионаллик даоражасини оширишдир.

Шуни таъкидлаш жоизки икки палатали парламентга ўтиш жамиятни эркинлаштириш, депутатлар, сиёсатчилар маҳоратини шакллантириш ва ривожлантириш, ўз электоратига эга бўлган жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий партиялар обрўсини мустаҳкамлаш ва ўстиришга кўмаклашади.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Сайлов, унинг принциплари, уни ташкил этиш масалалари давлатимизнинг кўзга кўринган олимлари, амалиётчилари томонидан яратилган асарларда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими масалаларининг конституциявий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари олимлар томонидан турли даражада **ўрганиб келинган**. Улар тўғрисида рисолалар, илмий мақолалар ёзилган.

Шунингдек, Республикамизда сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими масалалари алоҳида – алоҳида бўлсада ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар, проф. М. Х. Рустамбоев, Х.Т. Одилқориев, А. Х Саидов, З. М. Исламов Г. А. Маткаримова, А. С. Турсунов, И. Собиров, Ф. Мухитдинова, А. Тўлаганов, Д. Аҳмедов, Э.Х. Халилов, Б.Мустафоев, О. Мухамеджонов, М. Ражабова, О.Т. Хусанов, С.М. Хидиров ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда.³

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов хусусида қуйидагиларни айтиб ўтган эди:

²Собиров И. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Ҳуқуқшунос. Т. 2006 йил № 1-2 сон. 60- бет. Турсунов А.С.– Парламент ислоҳоти: ўзбек модели.- Шаёт ва қонун 2002 №2 4-б.

³ Беков И.Р., Аббосхўжаев Ш.А. Сайлов ва сиёсий партиялар. Т. ТДЮИ, 2004 йил. – 40б.Бакаева Ф «Организация вѣборов в представительнѳе органѳ государственной власти на местах». Т. ТГЮИ, 2004 г. 38 стр. Жумаев О «Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги этикаси» Т. ТДЮИ, 2004 йил. 26 б. Мустафоев Б. «Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги» -Т. ТДЮИ, 2004 йил. 28 б. Қайумов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т. Адолат 1998 йил. Одилқориев Х Конституция ва фуқаролик жамияти. Т. Шарқ 2002. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи . Т 2002й., Икки палатали парламент.Т. Шарқ. 2004 йил. А. Ҳ Саидов Парламент ислоҳоти: ўзбек модели. Ҳаёт ва қонун. 2002 йил. №2 3-8 бетлар; Конституция ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Рисола т. ТДЮИ 2005 йил. 44 бет, О. Хусанов Вақолат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. Ҳаёт ва қонун. 2005 йил. 1-сон. 13-15 бетлар, Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтиш зарурати Жамият ва бошқарув. 2004 й. №3 11-13 бетлар. Хусанова М «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти. Т. ТДЮИ, 2004 йил. 29 б. Хидиров С.М. Ташаббускорлик ва масъуллиқ, сенат фаолиятининг асосидир. Ҳуқуқ ва бурч. 2006 йил 1- сон. 18-19 бетлар, Сенат ва маҳаллий Кенгашлар.Ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари. Инсон ва қонун. 2006 й. 28 феврал; Хидиров С.М. Беков И. Сенат ва маҳаллий Кенгашлар: ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари. Инсон ва қонун. 2006 йил-26 февраль. Ғулом Мирзо. Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари. –Т. ТДЮИ, 2004 йил. -72 б.

“Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу сайловларнинг олдинги сайловлардан фарқи ҳар жиҳатдан ката бўлди. Бу ҳақиқатни биз билан бирга халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этмоқда. Жаҳон матбуотида таниқли сиёсатчи ва шарҳловчиларнинг бу ҳақдаги хулосалари ҳамон Чоп этилаётгани ҳам шундан далолат беради”.⁴

2004 йил декабр –2005 йил январ ойларидаги сайловлар натижасида Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентнинг шаклланиши мамлакатимизда парламентаризм шаклланишида муҳим қадам бўлди. Давлат бошқаруви ва қурилиш соҳасидаги энг муҳим вазифаларга тўхталиб: “Авваламбор, биз демократик давлат барпо этаётганимиз, фуқаролик жамияти асосларини шакллантираётганимизни таъкидламоқчиман”, деган эди.⁵

Юртбошимиз И. А. Каримов асарларида Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими масалалари бўйича раҳбарий кўрсатмалар, асосий йўналишлар берилган. Шунинг учун бизнинг битирув малакавий иши мавзумизнинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ очиб беришда Президентимиз асарлари раҳбарий адабиёт, бебаҳо манба бўлди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб мавзунининг мазмун ва моҳиятини тўлиқ ёритиб бериш учун ўз олдимизга **қуйидаги вазифаларни** амалга амалга оширишни **мақсад** қилиб қўйдик:

1. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси ва моҳиятини ёритиб бериш;
2. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси, сайлов ҳуқуқининг асосий принципларини ўрганиш;
3. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқининг қарор топиши ва ривожланиши масалаларини назарий ва амалий таҳлил қилиш;
4. Ўзбекистонда сайлов тизимининг тушунчаси ва шаклланиши масалаларини ёритиб бериш;
5. Ўзбекистонда сайлов тизимининг такомиллашуви масалаларини ўрганиш;
6. Сайлов қонунчилигининг такомиллашуви масалаларини назарий амалий таҳлил қилиш;
7. Икки палатали парламентга сайловнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
8. Ҳорижий мамлакатларда сайлов тизимини қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш;

1. Ўзбекистон Республикасида сайловни ташкил этишнинг ҳуқуқий муаммоларини аниқлаш ва ечимларини топиш, битирув малакавий иши мавзуси юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, бугунги кунда тобора юксалиб бораётган демократик мамлакатимизда чинакам ҳуқуқий давлат барпо этиш даврида

⁴ И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” Т. Ўзбекистон. 2005 йил. 6-7-б.

⁵ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2005 йил 29 январ

парламент ва унинг палаталари шаклланишида сайловнинг тутган ўрни ва уни ташкил қилиш ва ўтказишда қонунчиликка қатъий риоя қилиш принципларидан келиб чиққан ҳолда, Қонунчилик палатасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон тажрибасини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва Сенатига сайловни ташкил этишнинг ҳуқуқий муаммоларини аниқлаш ва ечимларини топиш ва ундан келиб чиқаётган муаммолар илк бор ёритиб берилмоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича муаммолар;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлашда ташкилий масалалар билан боғлиқ муаммолар.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Илмий тадқиқотни олиб боришда тизимли - таркибий, мантиқий ёндошувнинг ўзига хос усул ва қоидалари ҳамда ҳуқуқ соҳасига хос бўлган илмий ва анъанавий усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикасида парламент ислохотларига, айниқса сайловга оид маъруза ва асарлари, Ўзбекистон Республикасининг қонун ва ҳужжатлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети ва объекти. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган парламент ислохотлари тадқиқотнинг предмети, бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шаклланиши масалаларини таҳлил қилиш ва бу тўғридаги қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари эса унинг объектини ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ундан кўзланган мақсад ва вазифаларга мос равишда кириш қисми, иккита боб ва уларга тегишли бандлар, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

I – боб. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти.

1.1. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси ва унинг асосий принциплари.

«Сайлов» деганда бирор-бир органни, масалан, ҳокимиятнинг вакиллик органи, жамоатчилик органи ва ҳоказоларни овоз бериш йўли билан шакллантириш тушунилади. Умуман сайловлар ўз мазмунига кўра, давлат ҳокимияти органларига халқ вакиллари, шунингдек, жамоат бирлашмалари раҳбар органларини сайлаш тартиби демакдир⁶.

«Сайлов ҳуқуқи» ибораси икки маънода ишлатилади. Биринчидан, сайлов ҳуқуқи - сайланадиган давлат органларини шакллантириш тартибини белгиловчи ҳуқуқий

⁶ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Т. ТДЮИ. Муаллифлар жамоаси. 2005 йил.

нормалар йиғиндисидир¹. Сайлов ҳуқуқи - конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институтларидан биридир. Сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари одатда конституцияларда, кўпинча эса сайловлар ҳақидаги махсус қонунларда мустаҳкамлаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси айнан сайлов тизимига бағишланган⁷. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» ги, «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» ги ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунлар бевосита сайлов ҳуқуқини тартибга солувчи қонунлардир.

Сайлов тушунчаси вакиллик органини овоз бериш йўли билан ташкил топтириш тартибидир. Вакиллик органларини сайлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси сайлов ҳуқуқи деб аталади.

Сайлов ҳуқуқи тушунчасининг яна бир маъноси ҳам бор. Бу тушунча фуқаронинг сайловдаги иштироки, вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш каби субъектив ҳуқуқини таърифлаб бериш учун ишлатилади.

Бу борада фаол сайлов ҳуқуқи билан пассив сайлов ҳуқуқини бир-биридан фарқ қилиш керак. Фаол сайлов ҳуқуқи фуқаронинг сайлаш, вакиллик органларини шакллантиришда бевосита қатнашиш ҳуқуқини билдиради. Пассив сайлов ҳуқуқи – депутат, сенатор, президент бўлиб сайланиш ҳуқуқидир. Профессор А.Саидов «Сайлов ҳуқуқи» тушунчаси ва ибораси икки маънода ишлатилади деб изоҳлайди. *Биринчиси*, бу сайлов ҳуқуқи сайлаб қўйиладиган давлат органларини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидир. Сайлов ҳуқуқининг манбалари Конституция, давлатнинг олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар ҳақидаги қонунлардир. *Иккинчиси*, бу сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг сайлаб қўйиладиган органларини тузишда қатнашиши, яъни унга ўзларининг сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ва уларнинг таркибини сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқларидир.»⁸

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг асосий манбаи конституциявий нормалардир. Конституциямизда Ўзбекистонда «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир»¹ деб эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

¹ Мухамедов Х.М. Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими. Т.: ТДЮИ, 2004, 3-б.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон 2003 йил.

⁸ Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. Т., 1993, 52-бет.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: 2003. Ўзбекистон 4-б.

Конституцияда назарда тутилган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Конституцияга биноан «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас»².

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У икки палатадан Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Конституциянинг 77-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат⁹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакилик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда-олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Конституциямизнинг 117-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 10-модда. Т. Ўзбекистон: 2003. 5-б.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 10-модда. Т. Ўзбекистон: 2003.

Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколати муддати тугайдиган йилда-декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг, бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукмига қўра, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро сиёсий ҳуқуқини сайлов орқали рўёбга чиқаради. Бунинг маъноси шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзлари сайлаб қўйган вакиллари, вакиллик органлари бўлмиш қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис, халқ депутатлари тегишли Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали давлат ишларини бошқаришда иштирок этадилар.¹

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқи Конституциямизнинг 32-моддасида алоҳида мустаҳкамланган. Бунга кўра, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари фуқаролик жамияти ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади¹¹».

Конституциямизнинг сайлов ҳуқуқига тегишли яна бир - 60-моддаси эътиборга лойиқ. Унда «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон: 2003.

¹ Мухамедов Х.М. «Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими». ТДЮИ. Т.: 2004 й. 6-б.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон: 2003.

ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар¹²», деб қайд этилган. Ўзбекистонда мавжуд 5 та сиёсий партияларнинг сайловларда фаол иштироки кутилади. Ўзбекистон фуқаролари айнан сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари (яъни бевосита фуқаролар) томонидан илгари суриладиган номзодлар орасидан ҳар бир сайлов округида биттадан муносиб номзодларни танлаш ва уларга овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари, аввало, Конституцияда ва унга мувофиқ тарзда сайловлар ҳақидаги қонунларда аниқ ўрнатиб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Умумий сайлов ҳуқуқи, тенг сайлов ҳуқуқи, тўғридан – тўғри (бевосита) сайлаш ҳуқуқи, яширин овоз бериш ҳуқуқи.

Умумий сайлов ҳуқуқи принципи - бу принцип шундан иборатки, Ўзбекистоннинг 18 ёшга тўлган барча фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунда кўрсатилган чекловлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг 25 ёшга тўлган фуқароси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиши мумкин.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови ҳам умумийдир. Сайлов кунигача 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ демократиянинг энг муҳим принципларига - халқ суверенитетига, Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигига асосланади. Ўзбекистонда сайловда қатнашиш учун ёш даражаси оқилона камайтирилиб, 18 ёш қилиб белгиланган. Шахс айнан шу ёшда сиёсий ва фуқаролик етуклигига эришади.

Сайловда қатнашиш учун цензлар камлиги Ўзбекистонда кенг халқ оммаси сайловларда фаол қатнашиш имкониятини беради. Масалан, 1999 йил 5 декабрда Олий Мажлисга ўтказилган сайлов вақтида сайловчиларнинг 95,03 фоизи овоз беришда иштирок этди. Умумий сайлов ҳуқуқи Ўзбекистоннинг барча фуқароларига нисбатан жорий этилади. Фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ажнабийлар сайловда қатнашиш ва вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Умумий сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналарида, ваколатхоналарида, касалхоналарда, туғруқхоналарда, санаторийларда ва

¹² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон: 2003.

бошқа шифоналарда, кемаларда, йирик темир йўл станцияларида, аэропортларда ва шу сингари жойларда сайлов участкаларини ташкил этиш йўли билан ҳам таъминланади. Тегишли органлар сайлов участкаларини тузиш ва овоз бериладиган жойларни белгилаш вақтида сайловчилар учун энг кўп қулайлик вужудга келтириш зарурлигини кўзда тутади.

Сайлов дам олиш куни ўтказилади. Халқ депутатлигига сайлов билан боғлиқ харажатлар давлат ҳисобидан қопланади, бу қоида сайлов тўғрисидаги қонунларда қонуний мустаҳкамлаб қўйилган. Сайлов ўтказиш учун энг яхши жамоат биноси ажратиб берилади. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишига ҳеч нарса халақит бера олмайди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Умумий сайлов ҳуқуқининг кенг қамроқлиги фуқароларнинг овоз беришда деярли ёппасига иштираётганини таъминлайди.

Сайлов тизимининг демократик моҳияти сайловнинг умумий бўлишида, яъни барча фуқароларнинг сайловда иштирок этишидагина эмас, шунингдек сайловнинг тенг бўлишида ҳамдир. Умумий ва тенг сайлов принциплари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Умумий сайлов бўлмаса, тенг сайлов ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида ҳамда Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида “Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга. Ўзбекистон Республикаси фуқарolari ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый мавқеи, ирқи ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар”¹, деб белгиланган.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги, сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши ва битта овоз бериши билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов умумий ва тенг бўлибгина қолмай, шу билан бирга тўғридан-тўғри ҳамдир, яъни вакиллик органларига депутатлар тўғридан-тўғри сайланади, халқ депутатларининг барча вакиллик органларга фуқаролар бевосита сайлайдилар. Тўғридан-тўғри сайлов тўғридан-тўғри бўлмаган сайловдан шу билан фарқ қиладики, биринчи ҳолда депутат сайловчилар томонидан бевосита хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишлари йўли билан сайланади.

Тўғридан-тўғри сайловларнинг жорий этилиши сайловчиларнинг депутат билан бевосита алоқасини кучайтиради. Тўғридан-тўғри сайлов кўп босқичли сайловдан шуниси

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т.: «Ўзбекистон». 2004. 6-б.

билан фарқ қиладики, бунда сайловчилар ўз депутатини яқин биладилар, ундан ҳисоб бериб туришини талаб қила оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади¹³.

Сайловчиларнинг сайловларда яширин овоз беришлари демократияни амалга ошириш шаклларида биридир. Зеро, бундай овоз беришда фуқаролар ўз хоҳиш-истакларини эркин ифода этиш имкониятига эга бўладилар.

«Барча сайлов олди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади – ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз беришидан қатъий назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами – аввало, ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз бериш», деган эди, Президентимиз Ислоҳ Каримов биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги ўз маърузасида.¹

Конституциямизда сайлов ҳуқуқи принципларининг мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикасида сайловчилар учун барча имкониятларнинг яратилганлиги, уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқлари ҳеч қандай цензлар билан чекланмаганлиги ва фуқароларнинг давлатни идора этишда фаоллиги ошганлигининг яққол намунасидир.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг ушбу конституциявий принциплари сайловлар тўғрисидаги халқаро нормаларга тўла мос келади. Бундай халқаро нормалар 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт», 1990 йилги Копенгаген анжумани ҳужжатлари, Парламентлараро иттифок Кенгашининг 1994 йилда қабул қилинган Эркин ва адолатли сайлов мезонлари тўғрисидаги Декларация ва бошқа ҳужжатларида мустаҳкамланган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 21-моддасида шундай меъёрлар белгиланган: “1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. 2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатада давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқга эга. 3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятнинг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, яъни ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим»¹.

Шунингдек 1966 йилда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактнинг 25-моддасида «Ҳар бир фуқаро ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан,

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2003 й. Ўзбекистон.

¹ Каримов И.А. «Ватан озодлиги – олий саодат». Халқ сўзи. Т. 1999.

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т. Адолат 2004 й. 30-б.

ирки, танаси ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъий назар, а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш; в) ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бери орқали ўтказиладиган ва сайловларнинг эркин ҳолдаги ҳошиш - иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш; с) ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматида киришда тенгликка йўл қўйиш каби ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак»¹⁴, деб кўрсатилади.

Умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларда ҳам фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг таъминланишига қаратилган халқаро нормалар ўрнатилган.

2004 йил 1 июлдан эътиборан кучга кирган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишнинг асосий принциплари белгиланган. Бунга кўра, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Қонунчилик палатаси депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади¹⁵». Мазкур қонун умумий сайлов ҳуқуқи тушунчасини аниқлаштиради ва мустаҳкамлайди. Унда айтилганидек, «Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар».¹

1.2. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқининг қарор топиши ва ривожланиши.

Ҳозирги даврда демократик сиёсий тартиб жорий қилинган мамлакатлар сиёсий-ҳуқуқий тизимининг асосий қондасига айланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ўзининг узок ўтмишига эга. Давлатнинг алоҳида ваколатга эга бўлган айрим органларини ва мансабдор шахсларни сайлаш қадимги даврларда Хитой, Ҳиндистон, Шумер, Спарта, Афина, Рим каби давлатларда реал бўлган. Ўрта асрларда Новгород, Псков, Олтин Ўрда, Франция, Германия, Болгария каби мамлакатларда давлат бошлиқлари сайланган. 1295 йилдан бошлаб Англия парламенти, 1302 йилдан эътиборан Умумфранцуз бош штатлари, XVI

¹⁴ «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида» ги халқаро Пакт. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т. Адолат 2002 й

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида сайлов тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т.: «Ўзбекистон» 2004. 5-б

¹ «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида сайлов тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т.: «Ўзбекистон» 2004. 5-б.

асрда Польша сейми, Россия земский собори куйи палаталарининг аъзоларини сайлаб куйиш тартиби жорий қилинган. Қадимги даврларда ва ўрта асрлардаги сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳақида сўз борганда, шунини алоҳида қайд этиш жоизки, бундай ҳуқуқ чекланган бўлиб, ундан фақат эркин кишилар, мулкдорлар ва аслзодалар фойдаланганлар.

XVI асрга келиб Европа мамлакатларида шакллана бошлаган капиталистик ишлаб чиқариш усули буржуа инқилобларини амалга ошириш учун зарур бўлган объектив ва субъектив шарт-шароитларнинг яратилишига имконият туғдирди. Буржуа инқилоблари арафасида, уларни амалга ошириш жараёнида фаоллик кўрсатган ижтимоий-сиёсий кучлар талаби асосида бир қатор мамлакатларда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланувчилар, сайлаб қўйиладиган давлат органлари ва мансабдор шахслар доираси кенгайтирилди. Янги даврда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, чунончи, Англияда «Қирол ҳокимиятини бекор қилувчи ҳужжат» (1649 йил 17 март), Америка Қўшма Штатларида «Мустақиллик декларацияси» (1776 йил 4 июнь), «Конституция» (1787 йил 17 сентябрь), Францияда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» (1789 йил 26 август), «Конституция» (1791 йил 3 сентябрь, Германия империясида «Конституция» (1849 йил март) ва бошқа давлатларда сайлов ҳуқуқининг демократик тамойиллари ўзининг қонуний ифодасини топди. Лекин янги давр сайлов ҳуқуқи ҳам том маънода халқчил эмас эли. Чунки буржуа мамлакатларида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан халқ оммасининг салмоқли қисмини ташкил этадиган эсерлар, хизматкорлар, ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган кишилар маҳрум этилган эди.¹

Бевосита мамлакатимиз ҳудудида сайлов ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида сўз кетганда, шунини қайд қилиш лозимки, алоҳида мансабдор шахсларни сайлаш қадимги даврларда ва ўрта асрларда ҳам реал бўлган. Жумладан, мамлакатимиз тарихини ўз ичига олган Хунлар, Турк ҳоконлиги, қорахонийлар, кўчманчи ўзбеклар давлатларида давлат бошлиқлари жамиятнинг ҳукмрон доиралари вакилларида ташкил топган қурултойлар ёки кенгашлар томонидан сайланган, бу вакиллик тизимлари давлат бошлиғининг ваколатларини маълум даражада чеклаган, мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширган.

Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинган, бу ўлкада амалга оширилаётган мустамлакачилик сиёсатига, уни бекаму-қўст амалга оширишга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий тартибларга қарши тобора кучайиб бораётган туб аҳолининг норозилигини сусайтириш, бу ерда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда маҳаллий халқлар вакилларида фойдаланиш мақсадида халқ судьялари (қозилар ва бойлар), бўлиб бошлиқлари ва оқсоқолларни сайлаш тартиби жорий қилинган. Лекин сайлов натижалари

¹ Ж. Тошқулов. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 11-б.

вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари томонидан тасдиқланган тақдирдагина сайлов ҳақиқий ҳисобланган. 1888 йилда Тошкент шаҳрига «ўз-ўзини бошқариш» ҳуқуқи берилди. Тошкент шаҳар думасига сайловлар ўтказилди. Думага сайловларда қатнашувчилар мулкӣ ҳолатига қараб уч гуруҳга: 1) кўп миқдорда солиқ тўловчилар — бойлар, юқори табақага мансуб рухонийлар, юқори маъмурлар ва йирик савдогарлар; 2) ўрта ҳоллар — ер эгалари, судьялар ва оддий маъмурлар; 3) қуӣи табақа вакиллари майда савдогарлар ва ер эгаларига бўлинган бўлиб, шахснинг мулкӣ ҳолати унинг сайловда қандай ўрин тутишини белгилаб берган. Етарлича мулкка эга бўлмаган ишчилар ва хунарамандлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Дума аъзолигига сайланувчиларга нисбатан мулкӣ чеклашдан ташқари, миллий ва маълумот чеклашлари ҳам жорий қилинганди. Тошкент шаҳар Думаси 72 нафар аъзосининг учдан икки қисми шаҳарнинг рус аҳолиси яшайдиган ҳудуддан сайланарди. Дума аъзолигига сайланадиган маҳаллий аҳоли вакилларининг рус тилини биладиганларига имтиёз бериларди. Бундан ташқари, Дума аъзоларидан сайланадиган шаҳар идорасининг 6 аъзосидан албатта 4 таси рус ва 2 таси бошқа миллат вакили. Дума томонидан сайланадиган шаҳар бошлиғи албатта рус бўлиши шарт эди.¹

XX аср бошларида инқилобий - демократик ҳаракатнинг кун сайин кучайиб боришидан ташвишга тушган чор ҳукумати мамлакатнинг сайлов тизимида айрим ўзгаришлар қилишга мажбур бўлди. 1905 йилнинг 6 августида “Давлат думасини ташкил қилиш ҳақида”, “Манифест ва Давлат думасига сайловлар ҳақида”ги Низом эълон қилинди. Низом бўйича Давлат думаси аъзолари ер эгалари, шаҳарлик сайловчилар ва деҳқонларнинг қуролтойларида сайланиши, деҳқонлар учун тўрт поғонали сайловлар жорий қилинди. Хотин-қизлар, 25 ёшга тўлмаган фуқаролар, ҳарбий хизматчилар, ўқувчилар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. 1905 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида кучайиб кетган сиёсий воқеалар (иш ташлашлар, намойишлар, ғалаёнлар) тазйиқи остида ўша йилнинг 17 октябрида эълон қилинган подшоҳ манифестида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган «барча синфларга» янги ташкил этиладиган конун чиқарувчи орган — Давлат думасига бўладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини бериш ваъда қилинди. 1905 йил 11 декабрда подшоҳ 1906 йилнинг апрелида I Давлат думасига сайловлар ўтказиш ҳақида фармон чиқарди.

Россия империясининг шарқий чекка ўлкаларида, шу жумладан Туркистонда Давлат думасига сайловлар ўтказишнинг алоҳида тартиби белгиланди. Унга кўра Туркистон ўлкасида истиқомат қилувчи рус аҳолисидан 7 нафар, маҳаллий аҳолидан 6 нафар вакил Давлат думасига сайланиши лозим эди. Бу ўлкадаги рус аҳолисининг ҳар 46 000

¹ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 22-б.

нафаридан битта, маҳаллий аҳолининг 896 000 нафаридан битта вакил сайланади, деган гап эди¹⁶.

Лекин Туркистонда Давлат думасига сайловлар ўтказиш Россия империясининг бошқа ҳудудларидан бирмунча кеч бошланди. Бунинг сабаби ўлкада сайловларни ташкил қилиш, ўтказиш билан боғлиқ бўлган махсус «қоидалар» нинг бирмунча кечикиб, яъни 1906 йил 2 майда тасдиқлангани эди. Ўлкада I Давлат думасига сайловлар 1906 йил август ойида ўтказилиши кўзда тутилган эди. Туркистонда сайловлар ўтказилаётган вақтда ўз ишини 1906 йил 27 апрелда бошлаган I Давлат думаси тарқатиб юборилди.

1907 йилнинг феврилида II Давлат думасига сайловлар бўлиб ўтди. Бошқалардан кечроқ бўлсада, Туркистонликлар сайловларда қатнашиш ва II Давлат думасига ўз вакиллари юборишга муваффақ бўлдилар. Лекин большевиклар ва деҳқонлар вакиллари помещикларнинг ерларини деҳқонларга тақсимлаб беришни талаб қилиб чиққанликлари учун 1907 йилнинг 3 июнида II Давлат думаси подшоҳ томонидан тарқатиб юборилди. Шу кунги подшоҳ III Давлат думасига сайловлар ҳақидаги қонунни эълон қилди. Мазкур қонунга биноан, Туркистон ўлкасининг аҳолиси сайлов ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилди. Туркистонликлар 1912 йилнинг ноябрида IV Давлат думасига бўлиб ўтган сайловларда ҳам қатнашмадилар. Чунки уларга бу сайловларда ҳам қатнашиш ҳуқуқи берилмаган эди¹⁷.

Чор ҳукуматининг сайлов соҳасидаги Туркистонликларга нисбатан олиб борган мустамлака сиёсати маҳаллий халқларнинг кескин қаршилигига учради. Ўлканинг бир қатор шаҳарларида иш ташлашлар, халқ ғалаёнлари бўлиб ўтди. Маҳаллий матбуот саҳифаларида чор ҳукуматининг сайлов соҳасида олиб бораётган сиёсатини қораловчи мақолалар эълон қилинди. Бу борада XX аср бошларида Туркистонда таъсирчан ижтимоий - сиёсий оқим сифатида шаклланган жадишлик ҳаракати қатнашчилари айниқса жонбозлик кўрсатдилар. Жадишлик ўзларининг газеталарида ва журналлари саҳифаларида вакиллик органларининг турлари, уларнинг давлат механизмида тутган ўрни, фаолиятининг асосий йуналишлари, айниқса, қонунчилик соҳасидаги вазифалари; чет мамлакатларда парламент сайловлари, уларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда турли ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ўрни; фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятлари; аҳолининг турли қатламларининг сайловларда иштирок этиш шакллари; хотин-қизларга сайлов ҳуқуқини бериш; депутатларга қўйиладиган талаблар, уларнинг халқ вакиллари сифатида бурчлари билан боғлиқ бўлган ўша давр учун долзарб муаммоларни кўтариб чиқадиладар. Улар чор ҳукуматидан

¹⁶ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 22-б

¹⁷ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 22-б

Туркистон ўлкасининг маҳаллий аҳолисига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини беришни талаб қиладилар. Жадидлар қонун чиқарувчи органга сайланадиган депутатларга қўйиладиган талабларга алоҳида эътиборни қаратадилар. Жумладан, Туркистон жадидлари раҳнамоси Махмудхўжа Бехбудийнинг таъкидлашича, ҳар қандай кишини ҳам қонун чиқарувчи органга вакил қилиб сайлаш керак эмас. Чунки, қонуннинг сифати кўп жиҳатдан қонун қабул қилувчиларнинг ҳуқуқий билими, тажрибаси, хорижий мамлакатларнинг қонунчилик соҳасидаги тажрибаси, ўз мамлакатада у ёки бу қонунга бўлган эҳтиёжни, жойлардаги қонунларга риоя қилинишнинг ҳақиқий аҳволини, айниқса қонунни ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этадиган давлат органлари фаолиятида бу соҳада йўл қўйиладиган камчиликлар ва мавжуд муаммоларни билиши, уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида аниқ таклифлар бера оладиган билимга эга бўлишига боғлиқ¹⁸. Шунинг учун Бехбудийнинг ёзишича «думага вакил бўлиб боровчилар замонга мос илимлик бўлиб, русча нутқ қилмоққа қодир ва ҳам қонундан, замондан, сиёсатдан ва онинг устидан ўз миллатининг ва шариатнинг аҳволидан, аҳқомидан вакиллиги лозимдир¹⁹». Бунга жавобан чор ҳукумати ва унинг ўлкадаги маъмурлари жадидларнинг матбуот органларини ёпиб қўйдилар, уларнинг назарий ва амалий фаолияти устидан назоратни янада кучайтирдилар, уларнинг фаолларини таъқиб остига олдилар.

Тобора кучайиб бораётган инқилобий-демократик ҳаракатдан чўчиган чор ҳукумати 1917 йил арафасида Верний (Олма Ота), Самарқанд, Наманган ва бошқа бир қатор шаҳарларда шаҳар думасига сайловлар ўтказишга розилик берди. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Туркистон ўлкасида, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида вакиллик органларига сайловлар ўтказиш учун ҳаракат бирмунча фаол тус олди. 1917 йилнинг ёзида Тошкент шаҳар думасига кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказилди, унда ўн бешдан ортиқ партиялар ва бошқа ижтимоий ташкилотлар иштирок этди. Шу билан бир қаторда советларга ҳам сайловлар бўлиб ўтди. Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Хўжанд, Наманган, Янги Бухоро (Когон), Қўқон, Ўш, Пишпек, Жиззах, Марғилон, Қизил Оврат, Ашхабод, Қизил Ўрда, Красноводск каби шаҳарларда ишчи ва солдат депутатлари советлари, айрим шаҳарларда ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларда мусулмон ишчилари депутатлари советлари ҳамда деҳқон депутатлари советлари ташкил топди. Лекин бу сайловларда маҳаллий аҳолининг кўпчиликлари қисми иштирок этмаган эди.¹

1917 йил 1 (14) ноябрда Тошкентда амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида ҳокимият советлар қўлига ўтди. 1917 йил 15 ноябрда Тошкент ишчи ва солдат депутатлари советларининг III Ўлка қуролтойи ўз ишини бошлади. 16 ноябрь кунги

¹⁸ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 22-б

¹⁹

¹ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 24-б.

қурултойга деҳқон депутатлари келиб қўшилди. Қурултойда катнашаётган ҳал қилувчи овозга эга бўлган 114 депутатдан 52 нафари сўл эсерлар, 32 нафари большевиклар, 17 нафари ўнг эсерлар ва меньшевиклар, 13 нафари максималистлар партияларининг вакиллари эди. Қурултойда маҳаллий халқ вакилларида атиги 27 киши қатнашди²⁰. 19 ноябрда Қурултой большевиклар ва максималистлар фракцияси номидан таклиф этилган “Ҳокимият тўғрисидаги декларация”ни қабул қилди. Унда шундай дейилганди: Большевиклар ва максималистларнинг бирлашган фракцияси мавжуд марказий ҳокимиятни ва уни ташкил этиш шаклини эътироф қилиш билан бирга, ишчи, солдат ва деҳқон советларининг Ўлка советини ўлканинг олий ҳокимият органи деб ҳисоблайди ва бундан буён бу олий ҳокимият органи Туркистон Ўлка Халқ Комиссарлари совети деб аталади...»². Ўлка Халқ Комиссарлари советига сайланган 15 аъзонинг 8 нафари сўл эсерлар, 5 нафари большевиклар, 2 нафари максималистлар партиялари вакиллари эди. Қурултойда кўп тортишувларга сабаб бўлган масалалардан бири Ўлка Олий ҳокимият органи таркибига маҳаллий халқ вакиллари кириштириш ёки киритмаслик масаласи эди. Бир қатор депутатларнинг қатъий туриб талаб қилишларига қарамай, ХКС таркибига биронта ҳам маҳаллий аҳоли вакили киритилмади. Қурултой томонидан қабул қилинган декларацияда бундай иш тутилишининг сабаби сифатида маҳаллий аҳолининг янги ҳокимиятга нисбатан муносабати ноаниқ эканлиги ва мусулмонлар орасида ишчилар синфи ташкилотларининг йўқлиги кўрсатилди. Шунингдек, III Ўлка мусулмонлар қурултойи номидан Шерали Лапин томонидан илгари сурилган Ўлка ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советларидан 3, шаҳар ўз-ўзини бошқариш органларидан 3, ўлка мусулмонлар қурултойидан 6 вакилдан иборат Туркистон ўлкасининг **коалицион** ҳукумати, Ўлка советларининг III қурултойидан 5, шаҳар ўз-ўзини бошқариш органлари қурултойидан 5 ва Ўлка мусулмонлари қурултойидан 14 вакилдан иборат «Туркистон ўлкаси советини тузиш ҳақидаги таклиф эътиборсиз қолдирилди. Бундан ташқари, бир қатор депутатлар томонидан Туркистонга мухторият ҳуқуқини бериш ҳақида билдирилган таклиф ҳам қурултой катнашчилари томонидан қўллаб-қувватланмади. Қурултой жойларда бутун ҳокимиятни советлар қўлига топшириш ҳақида қарор қабул қилди. Шу қарордан келиб чиқиб большевиклар қизил армия кучлари ёрдамида жойларда зўравонлик йўли билан совет ҳокимиятини ўрнатишга киришишди. Большевикларнинг бу сиёсати маҳаллий аҳолининг кескин қаршичилигига учради. Жойларда норозилик йиғилишлари, намойишлар бўлиб ўтди.

²⁰ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 22-б

² Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 25-б.

Большевикларнинг шовинистик ва зўравонлик сиёсатидан норози бўлган Туркистон ўлкаси туб аҳолисининг вакиллари 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка IV умуммусулмонлари фавкулудда қурултойига тўпландилар. 27 ноябрь кеч соат 18.00 да қурултой Туркистон мухториятини ташкил этиш ҳақидаги қарорни эълон қилди. Қурултой 28 ноябрда 54 нафар аъзо (36 нафари мусулмонлар ва 18 нафари ғайримусулмонлар) дан иборат Муваққат Халқ Шўросини ташкил қилишга қарор қилди.

Қурултой қарорига биноан, Муваққат Халқ Шўроси 12 аъзодан иборат Туркистон Муваққат ҳукуматини тайинлади. Ҳукумат турли масалалар юзасидан бир қатор ҳужжатлар қабул қилди, лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни матбуотда эълон қилди. Лойиҳалар орасида энг диққатга сазовори «Туркистон мажлисига сайловлар Низоми» лойиҳасидир. Унда кўрсатилишича, Туркистон Таъсис мажлиси Самарқанд, Каспийорти, Фарғона ва Сирдарё вилоятларининг вакилларида ташкил топиб, вакиллар умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва ёпиқ овоз бериш йўли билан (сайлов кунигача 20 ёшга тўлган фуқаролар томонидан) сайланади. Сайлов мусулмонлар учун уездларда, ғайримусулмонлар учун вилоятларда ташкил этиладиган округлар бўйича ўтказилади. Вакилларнинг умумий сони 234 нафар бўлиб, шундан 156 нафари мусулмонлардан, 78 нафари ғайримусулмонлардан сайланиши кўзда тутилган эди.

Туркистон Таъсис мажлисига қизғин тайёргарлик кетаётган бир вақтда, яъни 1918 йилнинг 19 январида Ўлка ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советларининг IV қурултойи иш бошлади. Шу муносабат билан Туркистон мухторияти Муваққат ҳукумати қурултой номига телеграмма юбориб, 20 мартда Туркистон Таъсис мажлисини чақириш мўлжалланаётганлигини, вакиллик ўринларининг учдан бир қисми ғайримусулмонлар учун ажратилганлигини, кам сонли миллатларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари таъминланишини, ўлкада демократик принципларни ҳаётга татбиқ қилиш учун барча чоралар кўрилажагини билдирди. Бунга жавобан 1918 йил 23 январда Туркистон советларининг IV қурултойи Туркистон мухториятининг Муваққат ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари деб эълон қилди. Қурултой қарори асосида 1918 йилнинг 14 феввалида Туркистон Халқ Комиссарлари совети Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилди.

Шу воқеалардан сўнг, большевиклар маҳаллий аҳолининг хоҳиш истагига зид ҳолда, ўзларининг социалистик ғояларини иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий заминга эга бўлмаган Туркистонда амалга ошириш мақсадида қурол кучи ёрдамида бутун ўлкада совет ҳокимиятини ўрнатишга киришдилар. Большевикларнинг бу сиёсати маҳаллий аҳолининг кескин қаршилигига учради.

1918 йил 20 апрелда бошланиб 1 майга қадар давом этган Туркистон советларининг V курултойи 30 апрелда РСФСР таркибига кирувчи Туркистон Совет Автоном Республикасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди ва «Туркистон совет республикаси тўғрисида низом» ни тасдиқлади.¹ Курултой Туркистон Республикасининг Марказий Ижроия Комитетини ва Халқ Комиссарлар советини сайлади. Маҳаллий аҳоли вакиллари олий давлат органлари таркибига илк бор сайландилар: шунда ҳам улардан Марказий Ижроия Комитетга етти киши ва Халқ Комиссарлари советига тўрт киши сайланди, холос.

1920 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган Советларнинг IX курултойи Туркистон АССРнинг Конституциясини қабул қилди. Конституциянинг V бўлимида актив ва passiv сайлов ҳуқуқи, сайловлар ўтказиш, уларнинг тўғри ўтганлигини текшириш, агар нотўғри ўтказилган бўлса, бекор қилиш, депутатларни муддатларидан илгари чақириб олиш билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топган эди. Конституцияга биноан, диний эътиқоди, миллати, яшаш жойи, жинсидан қатъи назар сайлов қунигача 18 ёшга тўлган совет фуқароларига сайлов ҳуқуқи берилди. Сайлов ҳуқуқи ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ва умумфойдали меҳнат билан шуғулланувчи ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, давлат хизматчилари ва ҳарбий хизматчиларига берилди. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан наф қўриш мақсадида ўзгалар меҳнатидан фойдаланувчилар, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшовчилар, хусусий савдогарлар, даллоллар, рухонийлар, собиқ полициячилар, жандармлар махсус корпуси ва соқчилар бўлимларининг агентлари, Россия ҳукмдорлари оиласи аъзолари, ақли норасо деб белгиланган тартибда тан олинган шахслар ва васий назорати остида бўлганлар, ғараз мақсадларда жиноят қилганлиги учун жазога ҳукм этилганлар маҳрум этилди, Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг маълум бир қисмини ташкил этган Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги устидан Россия протекторати ўрнатилгач, бу мамлакатларда сайлов ҳуқуқи жорий қилинмади. Сайлов ҳуқуқини қўлга киритиш учун Бухоро ва Хевада демократик кучлар — ёш бухороликлар ва ёш хеваликлар томонидан олиб борилган кураш муваффақиятсиз якун топди. 1920 йил февралда Хевада, сентябрда Бухорода амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида Хоразм ва Бухоро Халқ Совет республикалари ташкил топди. 1920 йил апрели бошларида Хоразм Халқ Совет Республикасининг Марказий Сайлов Комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «Сайлов қонуни» эълон қилинди¹. Қонунга биноан, жинси, миллати ва ирқидан қатъий назар сайлов қунигача 18 ёшга тўлган барча фуқароларга сайлов ҳуқуқи берилди. Бундай ҳуқуқдан судхўрлар, хон оиласи аъзолари ва унинг қариндошлари, аксиланқилобчилар маҳрум этилди. «Сайлов қонуни» 1920 йил 30 апрелда Бутун Хоразм Советларининг I

¹ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 26-б.

¹ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 27-б.

Таъсис қурултойи томонидан қабул қилинган ХХСР Конституциясига киритилди. 1921 йил май ойида бўлиб ўтган Бутун Хоразм Советларининг I қурултойида Конституциянинг сайлов ҳақидаги қоидаларига бир қатор ўзгартиришлар киритилди: меҳнаткашлар Советига ўз меҳнати эвазига яшовчи ва ўзгалар меҳнатидан фойдаланмайдиган барча фуқаролар сайланиши мумкинлиги; сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан хон ҳокимияти даврида маъмурий полиция вазифасини бажарганлар, судхўрлар, олибсотарлик билан шуғулланувчилар, йирик ер эгалари — беклар, белгиланган миқдордан ортиқ ерга эга бўлиб, ўзгалар меҳнатидан фойдаланувчи бойлар маҳрум этилди. Рухонийлар агар сайловчиларнинг $\frac{3}{4}$ қисми уларга ижобий баҳо берсагина сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин эди. 1923 йил 20 октябрда Бутун Хоразм Советларининг IV қурултойида қабул қилинган Хоразм Совет Социалистик Республикасининг Конституциясига биноан, ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшовчи шахслар; хусусий савдогарлар, савдо ва тижорат воситачилари; диний муассасаларнинг вакиллари ва рухонийлар; собиқ Хева хонлиги ҳукмдорлари, уларнинг қариндош-уруғлари, хон ҳукуматининг мансабдорлари, аксиланқилобчилар, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига очикдан-очик тажовуз қилувчилар ва бошқалар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар.

1921 йил 23 сентябрда Бутун Бухоро Советларининг II қурултойи томонидан қабул қилинган БХСР Конституцияси бўйича сайлов қунигача 20 ёшга тўлган фуқароларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи берилди. Сайлов ҳуқуқидан ғаразли, ахлоқсизлик жиноятларини содир қилгани учун судланганлар; бошқа жиноятларни содир қилгани учун судланиб, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар; қонунда белгиланган тартибда ақли норасо ва руҳий касал деб тан олинганлар; йирик ер эгалари ва капиталистлар; Бухоро амирларининг қариндош-уруғлари ва собиқ юқори мансабдорлар маҳрум этилдилар. 1923 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Бутун Бухоро Советларининг IV қурултойида БХСР Конституциясига киритилган ўзгаришга биноан, сайлов ҳуқуқидан умумий қоида бўйича барча собиқ амир ҳукумати давридаги мансабдорлар, йирик савдогарлар, судхўрлар маҳрум этилдилар. Агар бу шахслар инқилоб ва совет ҳокимияти олдида алоҳида хизмат кўрсатган бўлсаларгина сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин эди.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топди. 1927 йил 30 мартда Ўзбекистон ССР советларининг II Қурултойида қабул қилинган Конституцияга биноан, сайлов қунигача 18 ёшга тўлган барча фуқароларга диний эътиқоди, миллати, ўтроқлиги ва ҳоказолардан қатъий назар сайлов ҳуқуқи берилди. Конституция бўйича фойда олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи шахслар; меҳнат қилмай топилган

даромадлар, чунончи, капиталдан олинган фоизлар, корхоналардан олинган даромадлар, мулкдан ва хоказолардан тушадиган тушумлар ҳисобидан яшовчи шахслар; хусусий савдогарлар, савдо ва тижорат воситачилари; диний муассасаларнинг вакиллари ва рухонийлар; собиқ полициянинг, жандармлар алоҳида корпусининг ва соқчи бўлимларининг хизматчилари ва агентлари, собиқ маҳаллий маъмурий идораларнинг хизматчилари, бўлис ҳокимлари, овул ва қишлоқ оқсоқоллари; Россияда подшоҳлик қилган хонадонларнинг аъзолари, собиқ Бухоро амири ва Хева хони ҳамда уларнинг барча яқин қариндошлари, шуниндек, собиқ Россия империясининг полицияси, жандарм ва жазо органлари фаолиятига раҳбарлик қилган шахслар ҳамда собиқ Бухоро амирлиги ва Хева хонлигининг барча амалдорлари: рухий касал деб топилган шахслар; суднинг ҳукми билан ёки юқори органларнинг алоҳида қарори билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. 1937 йил 14 февралда Ўзбекистон ССР Советларининг Фавқулодда VI қурултойида қабул қилинган Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг ёши сайлов кунигача 18 га етган барча фуқароларига, уларнинг ирки ва миллати, жинси, диний эътиқоди, билим даражаси, ўтроқлиги, ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки ва ўтмишда қандай иш билан шуғулланганидан қатъи назар, сайлов ҳуқуқи берилди. Фақат қонунда белгиланган тартибда ақлдан озган деб топилган шахсларгина сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. Конституцияда Ўзбекистон ССР нинг ёши 21 га етган ҳар бир фуқароси, ирки, миллати, жинси, диний эътиқоди, билим даражаси, ўтроқлиги, ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки ва ўтмишда қандай иш билан шуғулланганлигидан қатъий назар, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати этиб сайланиши мумкин эканлиги ҳақида қоида белгилаб қўйилди. Шунингдек, унда депутатлар сайлаш тенгдир; ҳар бир фуқаро бир овозга эга; ҳамма фуқаролар сайловда тенг иштирок этадилар, деган қоида ҳам ўз аксини топди.

1978 йил 19 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи чақириқ олтинчи фавқулодда сессиясида қабул қилинган Конституцияга ва унга киритилган ўзгартишларга биноан, Ўзбекистон ССР фуқароларига халқ депутатлари Советларига ва сайлаб қўйиладиган бошқа давлат органларига бўладиган сайловларда қатнашиш ва уларга сайланиш ҳуқуқи берилди; барча халқ депутатлари Советларига депутатлар сайлови сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши; депутатлар сайлашнинг умумийлиги, Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги; Ўзбекистон ССРнинг 21 ёшга тўлган фуқароси Ўзбекистон ССР халқ депутати қилиб, 18 ёшга тўлган фуқароси халқ депутатлари маҳаллий советининг депутати этиб сайланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Конституция бўйича суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган рухий

касалликка чалинган фуқаролар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар, шунингдек, суд қарори билан мажбурий даволаш жойларига юборилган шахслар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди; Ўзбекистон ССР фуқароси бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари иккитадан ортиқ Советнинг депутати бўлиши мумкин эмаслиги; Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари таркибига кирувчи кишилар, ана шу органларнинг раисларидан ташқари, идораларнинг, маҳаллий советлар ижроия комитетлари ҳакамлари ўзларини тайинлаб ёки сайлаб қўядиган советнинг депутатлари бўла олмаслиги кўрсатилди.

Конституцияда депутатлар сайлаш тенглиги: ҳар бир сайловчининг бир овозга эгаллиги, ҳамма сайловчилар сайловда тенг асосда иштирок этиши депутатларнинг тўғридан-тўғри сайланиши, уларни сайлашда, яширин овоз берилиши, сайловчиларнинг ўз истакларини билдиришини назорат қилишга йўл қўймаслиги; депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи меҳнат жамоаларига, жамоат ташкилотлари, олий-ўқув юртлари студентлари билан биргаликда ўқитувчилар ва хизматчилар жамоаларига, истиқомат жойларида сайловчилар йиғилишларига ва ҳарбий хизматчилар йиғилишларига берилиши; депутатликка номзодлар сонининг чекланмаслиги, сайлов олди йиғилишининг ҳар бир қатнашчиси муҳокама қилиш учун ҳар қандай номзодни, шу жумладан ўз номзодини ҳам таклиф қилиши мумкинлиги; сайлов бюллетенига исталганча номзод киритилишига йўл қўйилиши; сайловга тайёргарлик давомида округ сайловчилар вакиллариининг анжуманлари ўтказилиши мумкинлиги; сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг давлат ҳисобидан бўлиши: сайловларни ўтказиш тартиби ва кафолатлари ҳақидаги қоидалар ўз аксини топди. Бу конституциявий қоидалар Ўзбекистон ССРнинг олий ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар ўтказиш тартибини белгиловчи қонунларда янада аниқлаштирилди ва такомиллаштирилди.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб шуни қайд қилиш мумкинки, 1917 йил 7 ноябрь давлат тўнтаришидан Республикамиз мустақилликка эришгунгача бўлган даврда сайлов ҳуқуқи соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди, бу ҳуқуқдан фойдаланувчилар доираси йилдан-йилга кенгайиб борди. Уни амалга ошириш тартиби тегишли қонунларда ўз аксини топди.

Лекин Конституцияга биноан, мустақил деб эълон қилинган СССР таркибига кирган республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ССР сайлов ҳуқуқи соҳасида ҳеч қандай

мустақилликка эга эмас эди.¹ Сайлов билан боғлиқ барча қоидалар марказдан белгиланган, республикаларнинг конституцияларида ва сайлов ҳақидаги қонунларида бу қоидалар айнан такрорланарди. Сайловлар якка партиявийлик асосида ташкил этилиб, бутун сайлов жараёни коммунистик партия органлари томонидан бошқарилар эди. Ҳар бир округдан юқоридан белгиланган номзод депутатликка сайланарди. Юқори партия ва давлат органларининг раҳбарларини, қандай йўл билан бўлмасин, депутатликка сайлаш, ўз ваколатини амалга оширишга қодир бўлмаган, фақат қўл кўтариб тасдиқлашни қойиллатадиган ишчилар ва деҳқонларни, зарур ҳолларда сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириб бўлсада, депутатликка ўтказиш «қонуний» тус олди. Айниқса, 70 - 80-йилларда халқнинг сайловга бўлган қизиқиши пасайиб кетди. Сайловларда фуқароларнинг шахсан овоз беришда қатнашмаслиги, бир неча киши учун бир кишининг овоз бериши, сайлов комиссиялари томонидан сайлов бюллетенларини сохталаштириш кабилар оддий бир ҳолга айланди. Депутатларнинг ўз сайловчилари олдида ҳисоб бериб туриши ҳўжақўрсингагина ўтказиладиган тадбирга айланди ва ҳоказо.

Собиқ шўролар даврида сайловлар мохирона ўйналадиган сахнавий томоша даражасига кўтарилганлигини кўпчилик яхши эслайди. Унда ҳамманинг ўз роли бўларди. Большевиклар диктатураси шароитида аҳолининг деярли юз фоиз бўлиши таъминланар эди ва ҳаттоки сайловда қатнашмаслик мохият-эътибори билан сиёсий муҳолифлик деб баҳоланарди. Аслида, уни сайлов деб ҳам бўлмас эди. Негаки, сайловчилар танҳо битта, бирдан-бир номзод (партия раҳбари, колхозчи, сут соғувчи) учун овоз берардилар.

Орадан вақт ўтиб, халқимиз Ўзбекистон мустақиллиги туфайлигина бутун дунё тан оладиган ва эъзозлайдиган ҳақиқий демократик қадриятларга ҳамнафас бўлди.

1.3. Ўзбекистонда сайлов тизими тушунчаси ва унинг шаклланиши.

Сайлов тизими – жамиятда давлатнинг вакиллик органларини сайлаш йўли билан юзага келувчи давлат – сиёсий муносабатлари тизимидир²¹. Бу эса сиёсий партияларнинг фаол ҳаракатлари ва фуқароларнинг ўз иродасини қанчалик намоён қилишларига боғлиқ. Бир томондан, давлат ҳам сайлов тизимининг қонунийлигини ташкил этувчи, ҳам ҳуқуқийлигини кафолатловчидир. «Сайлов тизими» ибораси, шунингдек, депутатлик мандатларига номзодларни ким кўрсатиши, депутат сайлаш учун сайловчилар овозининг сони қанча бўлиши, депутатлик мандатлари номзод кўрсатган партиялар ўртасида қандай тақсимланишига қараб сайлов натижаларини аниқлаш воситаси маъносини ҳам билдиради. Бу маънодаги сайлов тизими – сайлов натижаларига мувофиқ равишда сайлаб қўйиладиган давлат органида мандатларни тақсимлаш усули ҳамдир. Унинг асосий

¹ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 29-б.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Т. ТДЮИ. 2005 йил.

турлари: мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларидан иборатдир.

Сайлов тизими, бир – бирига зид бўлмаган принциплар ва аниқ талаблар асосида қўрилиши керак. Сайлов тизими принциплари Конституцияга асосланади ва жаҳон мамлакатларининг тажрибаси ва ўз миллий тарихимизга ҳам таяниши зарур.

Биринчи принцип - сайлов тизимининг Конституцияга тўла мувофиқ келиши.

Иккинчи принцип - давлатчилик ва давлат ҳокимиятининг легитимлиги (қонунийлиги).

Учинчи принцип - сайлов тизими тартиботлари ва вазифаларининг қонунийлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги.

Тўртинчи принцип - сайлов тизимининг демократлиги, фуқароларнинг ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги.

Бешинчи принцип - сайлов тизимининг барқарорлик, тараққиёт, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилганлиги.

Олтинчи принцип - сайлов тизимининг халқчиллиги, барча фуқаролар учун тушунарли ва қулай бўлиши.

Еттинчи принцип - сайлов тизимининг уюшганлиги, конституциявий, ҳуқуқий, суд назорати остида бўлиши ва қонуний бошқарилиши.

Саккизинчи принцип - сайлов тизимининг тежамли бўлиши.

Тўққизинчи принцип - овоз бериш ва сайланишнинг зиддиятсиз, унинг учун етарли бўлган натижаларини олишга кафолат яратилиши.

Сайлов тизимини ислоҳ қилишнинг турлича йўллари бўлиши мумкин. Лекин гап овоз бериш яқунларини жаҳон тажрибасидаги шакллари – мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари ҳамда сайлов округларининг бир ёки икки мандатли турларидан бирини танлаб олиш ҳақида бормоқда. Бир мандатли округ бир депутатлик ўрнига эга, кўп мандатли округ эса қонунда назарда тутилган миқдордаги депутатлар ўрнига эгадир.

Мажоритар сайлов тизимига аксарият ҳолларда нисбатан ёки мутлақ кўпчиликнинг сайловларда ютиб чиқиш қоидаси асос қилиб олинган бўлиб, ҳар бир сайлов округи депутатлик ўринлари белгилаб қўйилган кўпчилик овоз олишга эришган сиёсий партиянинг номзоди ёки номзодларига берилади. Озчилик овозига эга бўлган барча сиёсий партияларнинг номзодларига эса депутатлик ўринлари тегмай қолади.

Мажоритар сайлов тизимида сиёсий партиялар сайловчилар кўпчилигининг қўллаб - қувватлашига эришишга мажбурдирлар. Бу сайлов тизими жамиятга нима беради? Партиялар бунда эҳтиёт бўлиши, ортиқча ўнг ва сўл нуктаи назарлардан қочиши, муҳим бўлган ўз сиёсатини улар билан оқилона келишиб олиб бориши, халқнинг қандайдир ижтимоий қатламларига ёки улар яшаётган минтақаларга эмас, балки барча тоифадаги

кўпчилик сайловчиларга фаол «хизмат қилиши» керак. Мажоритар сайлов тизими партиялар йўлини фуқаролар билишига қаратилган йўналишини рағбатлантиради. Бизнинг фикримизча, бундай нормалар шариат ва мусулмон ҳуқуқи қоидаларига кўра қадимий Ўрта Осиё халқларининг шахсининг умма (жамоа) олдидagi масъулиги, унга жамоа томонидан берилган ваколатлар доирасида аҳилликни ва яхши ниятларни таъминлаш мажбурияти ҳақидаги ёзилмаган оддий ҳуқуқий нормалар ва миллий одатлар билан бемалол сиғиша олади.

Мажоритар сайлов тизимининг салбий томони шундаки, кам овоз олган номзодлар учун берилган сайловчилар овози «йўқолиб кетади». Бизнингча, мажоритар сайлов тизими қўлланганда, сайловдаги овоз беришнинг биринчи турида сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг учдан икки қисми иштирок этганда, уни қонуний норма сифатида муҳокама қилса бўлади. Бу пайтда сайловчилар овозининг етганлиги ёки етмаганлиги муаммоси пайдо бўлади. Рўйхатдаги бўйича сайловчиларнинг ярми керакми ёки учдан икки қисми керакми? Муқобил таклиф: агар сайлаш учун эллик фоиз ва яна битта овоз керак бўлса, рўйхат таркибидаги сайловчилар кифоя қиладими? Унда албатта, мажоритар сайлов тизимининг салбий томонлари камаяди. Кўпчилик чет мамлакатларнинг қонунларида бундай чегара эллик фоиз ва яна битта овоз билан чекланган. Агар иккинчи тур учун эҳтиёж бўлса, иккинчи томон (кўп мандатли сайлов округлари бўйича сайловдаги номзод ёки партиявий сайлов рўйхати)га нисбатан нисбий кўп овоз олиш қоидасини қўллаш мумкин.

Пропорционал сайлов тизимида ҳар бир сайлов округидаги мандатларга уларнинг ҳар бирида тўпланган овозлар таъсир қилади. Одатда, бу тизимдаги сайловларда хорижий мамлакатлар тажрибасида овозларнинг ҳиссадорлиги ёки меъёри белгиланади (масалан, 4-5 фоиз). Бунда шартга кўра, у ёки бу партиянинг номзодлари ана шу белгиланган овозларни олгандан кейингина мандатларни тақсимлашда қўлланилади. Аввало, сайловчилар берган овозларнинг миқдори депутатлик ўринларининг сонига бўлинади. Шунда битта мандат доирасидаги овозлар сони маълум бўлади. Кейин ҳар бир партия олган овозлар алоҳида – алоҳида ҳисоблаб чиқарилади. Бу миқдор депутатнинг 1 мандати учун зарур бўлган овозлар миқдорига бўлинади. Шунда партияга берилган депутатлик ўринлари сони келиб чиқади.

Бундай тизимда сайловчи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Сайловчиларнинг овози белгиланган норма доирасида ва мутаносиб равишда депутатлар мандатлари сонини келтириб чиқаради. Бу ўринлар партия раҳбар органлари томонидан партиявий рўйхатнинг бош қисмидан жой олган номзодларга берилади.

Пропорционал сайлов тизими жуда мураккаб бўлиб, айниқса, унда овозларни

ҳисоблаб чиқиш қийин. Қолаверса, бу усулдаги сайловларда парламентга кўпинча номзодлар депутатликка ўзларининг шахсий фазилатлари ва сифатлари билан эмас, балки партиялараро кураш ва партия ичидаги кўзланган мақсад натижасида кириб қолиши мумкин. Пропорционал сайлов тизимида кўп нарса партия раҳбарларининг омма орасида нечоғлик таниқли эканликларига боғлиқ. Лекин партия рўйхати бўйича овоз беришда оммага унчалик таниш бўлмаган номзодлар ҳам депутатликка сайланиб қолишлари мумкин.

Пропорционал сайлов тизимининг муҳолифлари фикрича, бу тизимнинг асосий камчилиги шундаки, у сиёсий партияларнинг сонини сунъий равишда кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин. Айниқса, ўтиш даврида бундай тизимни қўллаш сиёсий ва парламент инқирозларини келтириб чиқариши мумкин.

Мандатларни тақсимлаш қаттиққўл мутаносиб сайлов тизими турли партиялар қўшма (коалициявий) ҳукуматларининг ёки ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партиялар ўртасидаги давомли музокараларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов тизимлари хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган усулни ҳам жорий қилиш мумкин. Масалан, сайловчилар пропорционал сайлов тизимидан келиб чиқиб, номзодлар рўйхатига киритилганларнинг қайси бирига овоз беражагини олдиндан кўрсатадилар. Бунда депутатларнинг бир қисмини бир тизим бўйича, қолганларини эса иккинчи тизим бўйича сайлашга йўл қўйиш мумкин. Лекин муҳими, бундай мураккаблашган тизимда сайловчиларнинг ўз хоҳиш – иродаларини эркин билдиришлари ва депутатликка номзодлар учун тенг шароитлар яратишнинг таъминланишига тўсиқлар пайдо бўлмаслиги керак. Яна шунингдек, сайловчиларнинг бундай мураккаб сайлов тартиботларига тайёр бўлиш даражаси билан ҳисоблашиш зарур.

Сайловларнинг демократик кечиши кўп жиҳатдан сайлов тизимига боғлиқ. Ўзбекистонда аввалги абгор тизимдан демократик сайловлар тизимига ўтиш осон бўлмади. Бу жараён маълум вақт балки жиддий тайёргарликни ҳам тақозо этди. Мақсадга эришиш учун, энг аввало, мутлақо янги қонунчилик базаси талаб этиларди. Мустабид тузум давридаги шарт-шароитларда эса уни яратишнинг иложи йўқ эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин кўппартиялилик асосида ҳуқуқий демократик сайловлар ўтказиш учун қулай шарт – шароитлар яратилди. Бу ҳолни ГФР-нинг Ўзбекистондаги собиқ Фавқуллоҳ ва Мухтор Элчиси К.Х. Куна қуйидагича таърифлаган эди: «Плюрализм муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Ўйлайманки, сизларда ҳам ҳукуматингизга турли партиялар вакилларини сайлаш учун имкон берадиган кўппартияли тизимга асос бор. Кўппартияли тизим сайловчилар учун туб маънода

қулайлик туғдирадики, у ижтимоий ва амалий ҳаётни фаоллаштиради».²²

Бозор иқтисодиёти каби демократияни ҳам рақобатсиз, яъни плюралистик сиёсий тизимсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, сиёсий плюрализм ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан биридир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизимига алоҳида боб бағишланиб, унда реал сиёсий плюрализмнинг кафолати бўлган бир қатор асосий қоидалар, чунончи: овоз бериш ҳуқуқининг умумийлиги; сайловларда ўз хоҳиш - иродасини билдиришда барчанинг тенг ва эркинлиги; сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ва тўғридан-тўғри ўтказилиши ҳамда бошқа шу каби принциплар эълон қилинди.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси демократик сайлов тизимини шакллантиришнинг ўзаги, асоси бўлди. Мавжуд сайлов тизимини янада ривожлантириш эса ҳуқуқий давлат куришнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий давлат куриш ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш вазифалари ҳақида гапира туриб, И.А. Каримов, хусусан шундай деб таъкидлаган эдилар: «Биз шу эзгу мақсадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим»²³. Чунки, айти эркин сайловлар референдум каби халқ ҳокимияти бевосита намоён бўлишининг Олий шаклидир, давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи эса, кўп жиҳатдан унда амал қилувчи сайлов тизимининг қай даражада ошқоралиги ва демократлигига боғлиқ. Худди мана шунинг учун ҳам сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларни такомиллаштириш масаласига Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг энг муҳим таркибий бўлаги сифатида қарамоқ зарур.

Ўзбекистон Конституциясида ҳуқуқий замин яратилган мустақил республикаизмнинг миллий давлатчилигини ривожлантириш вазифаси бутун сайлов тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва энг аввало, давлат ҳокимиятининг Олий вакиллик органи - Олий Мажлис шаклланишининг қонунчилик асосларини яратиш масаласини кўндаланг қўйди. Шунинг учун «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 6 моддасида Олий Кенгаш Раёсати зиммасига 1993 йил давомида Олий Мажлисга Сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилиш вазифаси юклатилди.²

²² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи семинар – кенгши материаллари (1994 йил 14-16 ноябр) – Т. Ўзбекистон.1999. 87 б.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т. «Ўзбекистон» 1999. 310 б

² «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993.№1.11 б

Ана шу топшириққа мувофиқ, Олий Кенгаш Раёсати 1993 йил 3 мартдаги қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш учун 12 нафар кишидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузди.³ Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни қандай бораётганлиги Олий Кенгашда махсус муҳокама этилиб, тегишли Қарор қабул қилинганининг ўзиёқ бўлғуси Қонун чиқарувчи органни шакллантириш тартибига қанчалик муҳим аҳамият берилганлигини кўрсатиб турибди. Шу тариқа, ишчи гуруҳи раҳбари ахборотининг муҳокамаси натижалари бўйича депутатлар ўн иккинчи сессияда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги “Қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш ҳақида”ги Олий Кенгашнинг қарорини қабул қилдилар.⁴

Ўзбекистонда сайлов тизимининг ислохоти юзага келган сиёсий вазиятни ҳар томонлама пухта таҳлил эта борган ҳолда ўтказилди. Олдинда сайловларни тўла – тўқис демократлаштириш, том маънодаги демократик сайлов тизими мавжуд дея олиш имконини берувчи мутлақо янги институтлар ташкил этиш вазифаси турарди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Конституциясининг нормалари ўзига хос тарзда пишиқ – пухта ишланган: бу нормалар мажоритар ёки пропорционал сайлов тизимларидан исталган бирини танлаш имконини беради. Бироқ бу ҳол, фикримизча, танлов бирор – бир асосга эга бўлмаган тарзда ўтказилиши мумкин, деган маънони англатмайди. Танлов негизини объектив омиллар, демократик жамиятнинг реал шарт – шароитлари ва сиёсий тизимнинг ривожланиш даражаси, таркиб топган анъаналари ташкил этиши лозим. Зеро, ҳар иккала тизим муайян афзалликларга ҳам, камчиликларга ҳам эга. Шунинг учун ишчи гуруҳнинг ҳаракати – сиёсий партиялар ҳокимият учун олиб борадиган курашнинг демократик асосларини ривожлантириш учун ҳуқуқий шароитларни таъминлай оладиган, миллий анъаналарга, фуқароларнинг ижтимоий – сиёсий тажрибаси ва ижтимоий феъл – атворига мос келадиган, бутун Ўзбекистон халқи давлатнинг сиёсий ҳаётига таъсир кўрсата олиши имконини яратадиган энг мақбул сайлов моделини излаб топишга қаратилди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларнинг мазмун – моҳияти айнан сайлов тизимининг қайси модели танланишига боғлиқ. Муайян моделни танлаб олиш сайлов округларини шакллантириш тартиби, овозларни ҳисоблаб чиқиш, сайлов натижаларини аниқлаш услублари ва бошқа принципиал аҳамиятга молик тартиботлар белгиланишига асос

³ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тузиш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида”ги қарор. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993.№3.28 - 29б

⁴ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги “Қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш ҳақида”ги Олий Кенгашнинг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993.№6.176 б

бўлади. Худди мана шунинг учун ҳам ишчи гуруҳ аъзолари сайлов тизимининг ҳар бир институтини унинг ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга қанчалик мос келиши, Ўзбекистоннинг ёш суверен давлатчилигини ривожлантириш учун қандай шарт – шароитлар яратиши, сайловчилар ўз хоҳиш – иродаларини демократик тарзда билдиришларига, ўз ҳуқуқларини руёбга чиқаришларига, номзодлар ва сиёсий партиялар учун тент шарт – шароитлар яратишга қанчалик ёрдамлашиши мумкинлиги нуқтаи назаридан ўта синчковлик билан таҳлил этдилар.

Хуқуқшунос олимлар халқаро амалиётда мавжуд бўлган сайлов тизимларининг моделларини ўрганиш асосида Олий Мажлисга қонуний йўл билан сайлов ўтказишни таъминлашнинг турли вариантларини таклиф этдилар. Чунончи, Х.Т. Одилқориев ва О.Муҳаммаджонов Литва Республикаси Сеймига сайлов ўтказиш тажрибасидан фойдаланишни таклиф қилдилар. Сайлов ўтказишнинг мазкур шакли пропорционал ва мажоритар тизимларни уйғунлаштириш асосида юзага келадиган аралаш тизим қўлланишини назарда тутди.¹ Ишчи гуруҳнинг аъзолари аралаш сайлов тизимининг салбий томонларини, масалан, вакиллик органи ҳаддан зиёд сиёсийлашиб кетишини, ҳақиқий эмас деб топиладиган бюллетенлар миқдори кўп бўлиши ва шу каби бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда юқоридаги таклифни қўллаб – қувватламадилар. Хусусан, сайловларнинг мураккаб механизмига сайловчиларнинг ўзи қай даражада тайёр эканлигига асосланиш лозимлигига эътиборни қаратдилар. Бинобарин, айтиш мумкин, аслида ҳам аралаш тизим нафақат ривожланаётган мамлакатларда, балки индустриал ривожланган мамлакатларда ҳам камдан – кам ҳолларда қўлланилади.

Фикримизча, фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқига эга бўлишидан иборат конституцион қоидага зид эканлиги – аралаш сайлов тизимининг энг асосий нуқсонидир. Конституцияга мувофиқ, барча фуқароларга сайловчи сифатида ҳам, номзод сифатида ҳам тенг ҳуқуқ берилади. Сайловларнинг аралаш сайлов тизими бўйича ўтказилиши эса, мутлақо бошқа вазиятни юзага келтиради. Мандатларнинг бир қисми мажоритар тизим бўйича, қолган қисми пропорционал тизим бўйича тақсимланганда партия рўйхатларига киритилган номзодлар бошқа номзодларга нисбатан афзалликка эга бўладилар; улар аynи бир сайловнинг ўзида бир вақтда ҳам бир мандатли сайлов округидан, ҳам партия томонидан кўрсатилган номзод сифатида рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Ишчи гуруҳнинг айрим аъзолари томонидан тайёрланган, сайловларни пропорционал тизим асосида ва фақат партия рўйхатлари бўйича ўтказиш назарда тутилган қонун лойиҳасини ҳам ишчи гуруҳ маъқул топмади.

¹ Литва Республикасида сайлов компанияси ўтказилишининг тажрибаси тўғрисидаги маълумотнома. Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси котибияти Назорат-ахборот бўлимининг жорий архиви. 1993.№3. 123-130 б

Биринчидан, мазкур тизим сайловчиларнинг сиёсий тажрибасига мос эмасди.

Иккинчидан, пропорционал тизим анча мураккаб ва оғир бўлиб, кўп мандатли округлар учун квоталар белгилаш ва овозларни санаб чиқиш жараёнини қийинлаштиради юборади.

Учинчидан, муайян даражада ривожланган кўппартиялилик тизими мавжуд бўлмаган шароитда сиёсий ҳаёт муайян шахслар билан боғлиқ бўлади ва бунда «бугун диққат-эътибор айрим арбобларга қаратилади, зеро телеэкрандан «гапириб турган шахс» қайси партияга мансублиги кўрсатилмайди ҳам».¹ Жамият кўп жиҳатдан шахснинг нуфузи ва шуҳратига таянади. Пропорционал тизимда эса, сайловчи ўзи ўрганиб қолганидек номзод учун эмас, балки умуман партия учун, амалда эса, унинг дастури учун овоз беради. Бунда барчага таниқли бўлган партия етакчилари паноҳида кўпчиликка нотаниш, профессионал қонунчилик фаолиятига мутлақо тайёр бўлмаган шахслар парламенга ўтиб қолиши мумкин. Россиядаги «Народный депутат» деб аталмиш ижтимоий марказ координатори Елена Панина таъкидлаганидек, «партиявий рўйхат бўйча бугун ҳокимиятга ким келаётганини ҳамма билиб турибди. Булар орасида жиноятчи уюшмаларнинг вакиллари ҳам бор, айбига яраша жазоланган амалдорлар ҳам бор»².

Тўртинчидан, бундай тизим амалда вакиллик органи аъзоларининг аксарият кўпчилиги кам сонли сайловчилар қўллаб – қувватлаган депутатлардан иборат бўлиб қолишга олиб келиши ҳам мумкин. Россиялик ҳуқуқшунос М.С. Матейкович таъкидлаганидек, пропорционал тизим сал бўлмаса ўзининг энг асосий вазифаси, яъни озчиликнинг фикрини ифода этиш вазифасини бажармаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. У 1995 йил 17 декабрида Россия Давлат Думасига ўтказилган сайловни ўз фикрининг далили сифатида келтиради. Яъни «... мандатларни тақсимлаш ҳуқуқини қўлга киритган тўртта сайлов бирлашмаси умумий федерал округ бўйича ҳаммаси бўлиб сайловчилар 50,5 фоизининг овозини тўплаганлигига ишонч ҳосил қилиш унча қийин эмас. Россиялик сайловчиларнинг бошқа ярми берган овозлар амалда зое кетган. Масалан, 1995 йил 17 декабрда ўтказилган сайловда Ленинград вилоятидаги 99-сайлов округидан Давлат Думасининг депутати этиб сайланиш учун сайловчилар 10,44 фоизининг овози кифоя қилган»³.

Бешинчидан, қатъий пропорционал тизим, айниқса ўтиш даврида, сиёсий инқироз ва парламент инқирози рўй бериши эҳтимоли юқори бўлишига кўмаклашади. Шунинг ҳисобга олганда, юридик фанлар номзоди Т.А. Васильева ҳақ, деб айтишимиз мумкин. Унинг

¹ Калмиков М. Так сколько партий нужно обществу?// Эхо планеты 2000.№13.8 б

² “Труд” 1999. 3 ноябр

³ Матейкович М.С. Проблемы правового регулирования выборов в законодательные органы государственной власти субъектов Российской Федерации// государство и право.1998.№7.53-б

тасдиқлашча, пропорционал тизим етарли даражада амал қилиши учун бир томондан қарор топган кўппартиялилиқ зарур, бошқа томондан эса, сиёсий кучларнинг қўблашуви бўлмаслиги керак. Пропорционал тизимни қўллаш ҳукуматни шакллантириш ва унинг барқарор ишлаши, ҳукумат ҳужжатларини қонун чиқарувчи органдан ўтказиш борасида муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг тасдиғи сифатида Т.А. Васильева Италия амалиётидан мисол келтиради. Италия парламенти 1993 йилда маъқуллаган депутатлар палатасига сайлов тўғрисидаги янги қонунда пропорционал сайлов тизимини рад этган⁴.

Сайлов тизимларининг моделларини қиёсий таҳлил этиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларини, сайловлар ўқазининг қарор топган анъаналари ва амалиётини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи мажоритар тизимдан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топди. Қўлланиб келинаётган тизимларнинг қўхнаси сифатида мажоритар тизим доимо натижадор бўлиб, уни қўллаш содда, сиёсий режим барқарор бўлиб, 2-4 йирик сиёсий партия мавжуд бўлган бир шароитларда айниқса самарадор, партиянинг фуқароларни бирлаштиришга қаратилган йўлини рағбатлантиради¹, деган олимларнинг фикрича қўшилмаслиқ мумкин эмас. Мажоритар сайлов тизими универсалдир. Ундан коллегиял ва яккабош органлар сайловида фойдаланиш мумкин. Мазкур тизим сайлов округларининг турли моделларига, номзодлар ва партияларнинг рақобатлашувига йўл қўяди. Ундан кўпгина мамлакатлар ўз парламентларини сайлашда фойдаланадилар².

Мажоритар сайлов тизимининг турли моделлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳасига унинг энг типик тури сингдирилган эди. Мазкур модел бир мандатли округларда турли сиёсий партиялар ва сайлов бирлашмаларининг вакили ҳисобланган аниқ номзодларнинг рақобатлашувини назарда тутади. Партиянинг роли номзодлар кўрсатиш ва уларни округларда қўллаб – қувватлашдангина иборат бўлади. Танлов номзоднинг партиявий мансублигига қараб эмас, унинг ўзига қараб, яъни у нима ваъда қилишига, ўзини тутишига ва бошқа шахсий фазилатларига қараб белгиланади. Бу тизим мамлакатдаги барча ёки аксарият сайлов округларида ўз номзодларини қўйиш учун зарур миқдордаги одам ресурсларига эга бўлган йирик ва ўртача сиёсий партиялар учун айниқса манфаатлидир.

Сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказиш демократик мамлакатлар сайлов тизимининг энг муҳим тамойилидир. Шунинг учун сайловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантиришнинг аниқ ва равшан йўналишларидан бири - сиёсий

⁴ Сравнительное конституционное право//Отв.ред.В.Е.Чиркин/.-М.Манускрипт.1996. 404 б

¹ Ҳалилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар.(Монография) Т. Ўзбекистон 2001 йил.

² Амаллер М. Парламентў (Пер. с англ.).- М. Прогресс. 1967. 61-68 б

партияларнинг мақомини Ўзбекистон сайлов тизимида иштирок этиши шарт бўлган субъектлар сифатида белгилаш бўлди.

Профессор А.Жалолов тасдиқлаганидек, «сайловларнинг унда иштирок этувчи барча кучларнинг тор манфаатларидан юқори турувчи эзгу мақсади, вазифаси бор»¹.

Зеро, умумлаштирганда сиёсий партиялар амалда сайловчилар ярмидан камининг номидан вакиллик қиладилар. ГФР Президенти Р. фон Вайцекер бундай нуқсон ўз мамлакатада мавжудлигини таъкидлаб ўтган².

Сайлов тизимининг ислоҳоти фақатгина сиёсий партиялар ёки гуруҳларнинг эмас, балки бутун халқнинг манфаатини кўзлаб ўтказилиши керак. Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги собиқ Фавкулудда ва Мухтор Элчиси Пол Берн таъкидлаганидек, ҳар бир фуқаро ўзи овоз бермаган партия ютиб чиқса ҳам, барибир ўз ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини яхши билиши керак³. Ҳокимият Олий вакиллик органига номзодлар кўпгина мамлакатларда, айниқса икки палатали парламентга эга бўлган мамлакатларда маҳаллий вакиллик органлари томонидан ҳам кўрсатилиши энг аввало шу билан изоҳланади деб ўйлаймиз⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи семинар – кенгши материаллари (1994 йил 14-16 ноябр) – Т. Ўзбекистон.1999. 71 б

² Саидов А.Х. Избираельное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки).- Т. Узбекистон. 1993. 29 -б

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи семинар – кенгши материаллари (1994 йил 14-16 ноябр) – Т. Ўзбекистон.1999. 95 б

⁴ Амаллер М. Парламентў (Пер. с англ.).- М. Прогресс. 1967; Парламентў зарубежнўх стран. Справочник.-М. Политиздат. 1968.; парламаентў мира: Сб.-М.: Интерпракс1991 ва бошқалар.

II – боб. Ўзбекистонда сайлов тизимининг такомиллашуви масалалари.

2.1. Сайлов қонунчилигининг такомиллашуви.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига ва илғор чет эл тажрибасига мос сайлов қонунчилиги яратилди. Асосий мақсад амалдаги қонунларни ҳаётга татбиқ қилиш механизмларини яратишдир.

Сайлов қонунчилиги ва амалиёти – демократик ислохотларнинг таркибий қисми. Ўзбекистон – ёш мустақил давлат.

Умуман, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг мантиғи, принциплари қандай?

Биринчидан, вазминлик билан, босқичма – босқич ҳаракат қилиш;
иккинчидан, демократик ўзгаришлар даражасининг халқ руҳиятига, менталитетига мувофиқлиги;

учинчидан, тарихий – миллий тажрибага таяниш;

тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларини эътиборга олиш.

Шунинг учун, сайлов қонунчилиги ва амалиёти тараққиётини мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг узвий таркибий қисми деб қараш керак.

Сайлов қонунчилигимизнинг асосий мақсади самарали, ишчан вакиллик органларини сайлаш ва юқори фуқаролик туйғуси ва ҳуқуқий маданиятга эга сайловчиларни шакллантиришдир.

Биз бу борада тўрт босқични босиб ўтдик.

Биринчи босқич собиқ Иттифок давридаёқ бошланган бўлиб, 1992 йилги Конституция қабул қилингунча давом этган. Бу босқичда илк бор Ўзбекистонда муқобил кўппартиявийлик асосида президентлик сайловлари бўлиб ўтди ва сайловлар тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич Конституция қабул қилингандан бошлаб 1997 йилгача давом этди. Бу босқичда Конституцияда сайлов тизимининг асослари мустаҳкамланди, сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, кўппартиявийлик асосида биринчи ўзбек парламенти – Олий Мажлис сайланди.

Учинчи босқич 1997 йилдан бошланди. Бу босқичда амалдаги сайлов қонунларига бир қатор ўзгаришлар қабул қилинди. Бўлажак сайловлар учун зарур ҳуқуқий асослар

яратилди.

Тўртинчи босқичда икки палатали парламент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шаклланди. Сайлов тўғрисидаги қонун Янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистонда сайлов тизими ҳар бир босқичда ҳуқуқий асосда амалга оширилди ва жамиятда, давлатда муайян институциявий ўзгаришлар билан давом эттирилди. Сайлов ҳуқуқининг ривожланиши ва қўлланилишига демократик ислохотларнинг таркибий қисми сифатида қаралмоғи керак. Ўтган даврда нафақат сайлов қонунчилигимиз ўзгариб, ўсиб ривожланди, балки сайлов тизимининг асосий «фигураси» сайловчи онги, руҳияти ўзгарди.

Ҳозирги замон ўзбек сайлов қонунчилиги тизими нималардан иборат? Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – сайлов қонунчилиги тизимининг ўзагини, умуртқасини ташкил этади.

Конституциянинг сайлов тизимига бағишланган моддалари катта ижобий салоҳиятга эга. Улар маълум шароитлар етилганда тегишли қонунлар қабул қилиш йўли билан ҳаракатга келтирилмоқда.

Аристотель айтганидек, ҳуқуқ фуқароларнинг етуқлигидан олдинда боради, лекин фуқароларнинг етуқлиги ҳуқуқий татбиқ қилинишни таъминлайди.

Шу ерда бир тарихий фактни эслаб ўтмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилиш даврида бир қатор чет эллик экспертлар Конституция матнига сайлов тизимига бағишланган махсус бобни қўшмасликни таклиф этган эдилар. Аммо биз сайлов тизимига бағишланган бобни Конституциямизга онгли равишда қўшдик. Нима учун? Авваламбор, сайлов тизимига конституциявий ёндашув сайлов ҳуқуқининг фундаментал принципларини кафолатлайди. Иккинчидан, жорий сайлов қонунларига асос бўлиб хизмат қилади.

Сайлов қонунчилиги тизимига, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонун; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисидаги Қонун; учинчидан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонун; тўринчидан, Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун ва бошқалар киради. Санаб ўтилган тўртта қонун бевосита сайловларга бағишланган қонунлардир.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилиги тизимига яна бир қатор қонунлар киради. Бу иккинчи гуруҳ қонунларнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети бевосита сайловлар бўлмаса – да, улар сайловларнинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солади. Масалан: «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс», «Жиноят кодекси», Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун, «Жамоат

бирлашмалари тўғрисида»ги қонун, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, «Прокуратура тўғрисида»ги қонун, Фуқаролик процессуал кодекси ва яна бир қатор қонунларни сайлов қонунчилиги тизимига киритиш мумкин.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тизими икки гуруҳ қонунлардан ташкил топади: биринчиси, Конституция ва бевосита сайлов тўғрисидаги қонунлар; иккинчиси, сайлов масалаларини у ёки бу жиҳатдан тартибга соладиган қонунлар.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг энг биринчи ва асосий хусусияти – бу унинг умум эътироф этган халқаро андозаларга мослигидир.

Сайловлар тўғрисидаги халқаро стандартлар қайси ҳужжатларда ўз аксини топган?

1. Инсон ҳуқуқларига оид БМТнинг халқаро ҳужжатларида. Бу Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, Фуқароларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт (1966).

2. ЕХХТнинг ҳужжатларида. Булардан энг асосийси 1990 йилги Копенгаген анжумани ҳужжатларидир.

3. Парламентлараро Иттифок ҳужжатлари. Бу Иттифокдош 129 давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам аъзо. Парламентлараро Иттифок Кенгаши 1994 йили Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида декларация қабул қилган.

Ушбу халқаро ҳужжатларда демократик сайловларнинг умум эътироф этилган тўртта принципга асосан ўтказилиши кўрсатилган. Бу принциплар умумий сайлов ҳуқуқи, тенг сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш ҳуқуқи, тўғридан – тўғри сайловлардан иборат.

Бу тўрт принцип Ўзбекистон Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва тизимининг иккинчи муҳим хусусияти Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонуннинг мавжудлиги ва Марказий сайлов комиссияси таркибининг тузилганлигидир. Марказий сайлов комиссиясининг тузилиши парламентлараро Иттифок Кенгаши қабул қилган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида»ги декларация талабларидан келиб чиқади. Марказий сайлов комиссияси сайловларни ўтказишнинг асосий ташкилотчисидир. У фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини тўлиқ амалга оширишнинг гаровидир.

Жаҳон амалиётида сайловларни ташкил этишнинг тўртта тури бор.

Биринчиси - сайловлар ҳукумат томонидан ташкил этилади. Масалан, Германияда сайловларни ички ишлар вазирлиги ташкил этади. Сайлов участкаларида ишловчи мансабдор шахслар давлат хизматчилари орасидан танланади.

Иккинчиси - сайловлар суд органлари томонидан ташкил этилади. Масалан,

Покистонда марказий сайлов комиссияси Олий ва бошқа суд раислари томонидан танланган уч судьядан иборат бўлади. Руминияда Олий суднинг 7 аъзоси қуръа ташлаш йўли билан марказий сайлов комиссиясига танлаб олинади.

Учинчиси - кўппартиявий ёндашув бўлиб, манфаатдор сиёсий партиялар ўз вакиллари марказий сайлов комиссиясига тайинлайдилар.

Тўртинчиси - мустақил марказий сайлов комиссиясини тузиш. Ўзбекистон айнан шу тўртинчи турдаги марказий сайлов комиссияси тузиш йўлини танлади.

Ўзбекистонда 1998 йили 30 апрелда қабул қилинган марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунда ушбу комиссияни тузиш, унинг ваколатлари ва иш тартиби батафсил тартибга солинган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг учинчи хусусияти — сайлов кампанияси жараёнида фуқаролар ташаббускор гуруҳининг ташкил этилишидир. Бу сайлов ҳуқуқини ва қонунчиликни демократлаштиришга қаратилган муҳим қадамдир. Сайлов ҳуқуқида бу йўл билан фуқаролар ҳуқуқи сиёсий партиялар билан тенглаштирилди. Сайлов кампаниясининг барча босқичларидаги фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг ҳуқуқлари Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида мустаҳкамланган. Қонуннинг 13-моддасида округ сайлов комиссияларининг фуқаролар ташаббускор гуруҳлари вакиллари билан ўзаро муносабатлари кўрсатилган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг тўртинчи хусусияти — бу ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнларидаги иштироки. Бу - Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнининг энг устувор йўналишларидан бири. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлов ҳуқуқи субъектига айландилар. Бу бизнинг ҳуқуқий ҳаётимиздаги янгиликдир.

Сайлов қонунчилигимиздаги яна бир, бешинчи хусусиятнинг - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилишидир. Бу модда классик рим ҳуқуқи талабларидан келиб чиқади. Энди депутатликка номзодларни иккита субъект кўрсатади: сиёсий партиялар, фуқаролар. Сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро 300 кишидан кам бўлмаган ташаббускор гуруҳ тузиши мумкин. Бу фуқароларнинг сиёсий — ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим қадамдир.

Сайловлар тўғрисидаги қонунларда яна бир қатор хусусиятлар бор. Улар халқаро андоза ва талабларга тўлиқ жавоб беради.

Биринчи ҳулоса: Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланиши, авваламбор, фуқароларнинг актив ва пасив сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини яратишга қаратилган.

Иккинчи хулоса: сайлов ҳуқуқидан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиблари ва техникаси такомиллаштирилди. Бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш маданияти даражасига боғлиқ.

Учинчи хулоса: Ўзбекистонда нафақат сайлов қонунчилиги янгиланди, балки сайловларга ёндашув фалсафаси ҳам ўзгарди. Яъни сайлов қонунчилигида халқаро стандартлар ўз аксини топди.

Нихоят, тўринчи хулоса, сайловлар демократиянинг юраги, узвий бўлагидир. Ўзбекистон ҳам демократияга юз тутди. Шу ерда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг қўйидаги сўzlари ўринлидир: “Демократия бошдан кечирилган тажрибага, тўлиқ ўзаро келишувга, масъулиятга асослангандагина яшайди. Бунда демократия олинadиган фойда ёки кўриладиган зарарга боғлиқ келишувга, масъулиятга асослангандагина яшайди. Бунда демократия олинadиган фойда ёки кўриладиган зарарга боғлиқ бўлмайди. Демократия – фақатгина сайловлар тартиби ёки бошқариш шакли эмас, балки турмуш тарзи ҳамдир».

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов маданияти миллий турмушимиз тарзига айланмоғи зарур.

2.2. Икки палатали парламентга сайловнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (куйи палата) ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланadиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлиб, депутатлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодлиқдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ҳар бир фуқаро, яъни сайловчи бир овозга эга.

Фуқаролар жинси, ирқи ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар (бундан буён матнда депутатликка номзодлар деб юритилади) хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар катнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига (бундан буён матнда округ сайлов комиссиялари деб юритилади) сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичида беради.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов кутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата) ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенатнинг ваколат муддати - беш йил.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади.

Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлиси, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш, шунингдек овоз беришни ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисда ҳозир бўлган депутатларининг эллик фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун овозларнинг зарур миқдорини тўпламаган номзодлар бўйича давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ана шу қўшма мажлисининг ўзида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённомалари асосида, бу баённомалар келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, Сенат аъзоларини рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида, овозларни санаб чиқишда, яширин овоз бериш натижаларини аниқлашда ушбу Қонун талаблари сайлов натижаларига таъсир қилган тарзда бузилишига йўл қўйилган бўлса, Марказий сайлов комиссияси Сенат аъзоларининг сайловини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг Сенат аъзоларининг сайлови тўғрисидаги қарорлари устидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.

Сенат аъзоларининг такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- а) агар сайлов ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;
- б) агар такрорий овоз бериш натижасида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса.

Ушбу модда биринчи қисмининг «б» бандида назарда тутилган ҳолларда такрорий сайлов сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун ўтказилади.

Сенат аъзоларининг такрорий сайлови Сенатга ўтказилган асосий сайловдан кейин кўпи билан ўн беш кунлик муддат ичида ўтказилади.

Сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ва такрорий сайлов ўтказиш ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзоларининг сайлови Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Сенат ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида Сенат аъзосининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга Сенатнинг янги аъзоси сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

Марказий сайлов комиссияси Сенатни шакллантириш якунлари тўғрисидаги ахборотни ва Сенат аъзоларининг рўйхатини уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

2.3. Хорижий мамлакатларда сайлов тизими: қиёсий - ҳуқуқий таҳлил.

Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари воситасида ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳокимиятнинг негизи бўлмоғи лозим, бу ирода вақти вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси).

Маълумки, ҳар бир фуқароларнинг эркин ва ҳалол сайлов йўли билан давлатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бир қатор халқаро меъёрий ҳужжатларда бегилаб қўйилган.

Сайловчиларнинг ҳуқуқларини эътироф этувчи бундай халқаро ҳужжатлар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси — мазкур муаммоларни ҳал қилиш доирасида энг эътиборли манбалардан бири ҳисобланади.¹

Жаҳондаги турли давлатларнинг амалиёти эркин ва ҳалол сайловларни халқаро ҳамжамият фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг таркибий бир қисми деб тан олишини амалда тасдиқламоқда, холос.

Чиндан ҳам, халқнинг ўз демократик интилишларини сайлов жараёнларида фаол қатнашмасдан туриб намоён эта олишини тасаввур этиб бўлмайди.

¹ Қудратхўжаев Ш. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 42-б.

Сайловларнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишда мавқеи ошиб бораётган муҳим институт сифатида конституциявий эътироф этилиши уларни давлат йўли билан молиялашнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Сайлов жараёнлари вақтида сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш тобора кўпроқ моддий харажатларни талаб этаётган ва бу харажатларга сиёсий партиялар ва номзодларнинг ўз маблағлари ҳам, ихтиёрий равишда бериладиган хусусий ионалар ҳам етмаётган ҳозирги шароитда давлатнинг молиявий қўллаб қувватлаши айниқса зарурдир. Шу боисдан назаримизда, немис тадқиқотчиларининг: «давлат томонидан партиялар тўғридан-тўғри ёки билвосита молияланмаса, улар фаолият кўрсатишга қодир бўлмай қоладилар»¹ деган фикрлари ҳақ кўринади. Бу гап партиялар қарор топиши жараёни давом этаётган, чин маънодаги кўппартиявийлик бошланғич босқичда турган мамлакатларда алоҳида аҳамият касб этади. Бу мамлакатлар учун давлат йўли билан молиялаш сиёсий фикрлар хилма-хиллиги қанолати, сиёсий демократияни реал мазмун билан тўлдириш шартидир. Бундан ташқари, сайловларни давлат йўли билан боғлиқ сиёсий коррупцияга қарши курашда таъсирчан восита сифатида қаралмоқда.

Сайловларни давлат йўли билан молиялаш, қоида тариқасида, давлат бюджетидан амалга оширилади. Бироқ истиснолар ҳам бўлади. Масалан, АҚШда президент сайловларини давлат йўли билан молиялаш давлат бюджетидан эмас, балки тамомила жисмоний шахсларнинг ҳар йилга ихтиёрий бадалларидан ҳосил бўладиган махсус жамғармадан амалга оширилади. Бироқ шунга қарамай маблағларни номзодлар ўртасида Федерал сайлов комиссияси тимсолида давлат тақсимлайди. Жанубий Африка Республикасида сайлов харажатларини молиялаш тизими ҳам шунга анча яқин. 1993 йилги қонун парламент томонидан ажратиладиган маблағлардан, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ионаларидан ташкил топадиган давлат сайлов жамғармасини таъсис этди. Бу жамғарма маблағларини тақсимлаш мустақил сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади (74- модда)¹.

Сайловларни молиялашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг халқаро амалиётини мукамал деб бўлмайди. Демократия ривожланган мамлакатларда ҳам, демократлаштириш йўлига эндигина кириб бораётган мамлакатларда ҳам вақти-вақти билан рўй бераётган турли молиявий қинғирлик ва найранглар билан боғлиқ катта шов-шувга сабаб бўлаётган жанжаллар айти шундан далолат беради. Шунга қарамай, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, молиялашни ҳуқуқий тартибга солиш – сайлов жараёнини тартиб - қоидали, маърифатли доирада олиб бориш, муайян маънода сиёсий

1 Государственное право Германии. Т.1. –М., 1994. 118-б.

1 Юдин Ю.А. Финансирование политических партий в зарубежных странах (Правовая регламентация). – Государство и право. 1996. №6. 149-б.

ҳаётни соғломлаштириш, кўппартиявийлик тизими уйғун фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш имконини беради. Шу сабабли бу борада тўпланган тажрибанинг кўп жиҳатларидан Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида, Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий воқеликлари инобатга олинган ҳолда фойдаланилди.

ЕХХТ Копенгаген Кенгаши томонидан 1990 йил 29 июнда қабул қилинган ҳужжатнинг 6-бандида шундай дейилади: вақти-вақти билан ва чинакамига ўтказиладиган сайловлар жараёнида халқнинг эмин-эркин ва виждонан билдирган ҳошиш-иродаси ҳокимият ва ҳукумат қонуний эканлигининг асосидир². Эркин ва ҳалол сайловлар ўтказилган тақдирдагина ҳокимиятнинг ягона манбаи бўлмиш халқнинг иродаси билан овоз беришда олинган натижалар тўла мос келиши ҳақида сўз юритиш мумкин. Ана шу фикрнинг тасдиғи сифатида Ўзбекистон Президентининг қуйидаги фикрини келтириш мумкин: «Модомики биз демократик ҳуқуқий давлат, жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир»¹.

Ҳуқуқий демократик давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти сиёсий тизимни мутассил такомиллаштириб боришдан иборатдир. Унинг мақсади – том маънода халқ ҳокимиятини ўрнатиш, чинакам ўзини ўзи бошқариш, фуқароларнинг ташаббусларини кенг қўламда ривожлантириш учун шароит яратиш, шахс турмушининг барча соҳаларида ва энг аввало, сиёсий соҳада фаол бўлишига эришишдир.

ЕХХТ инсон ҳуқуқлари мезони бўйича конференцияси Копенгаген Кенгаши томонидан 1990 йил 29 июнда қабул қилинган ҳужжатнинг 7.5 бандида «фуқароларнинг шахсан ёки партиялар ёҳуд ташкилотларнинг вакиллари тариқасида камситишларсиз сиёсий ёки давлат мансабларига эришиш ҳуқуқи» мустаҳкамлаб қўйилган². Шу боис бир қатор мамлакатларнинг сайлов амалиётида номзодларни бевосита фуқаролар томонидан кўрсатиш институти амал қилмоқда. Масалан, Россия Федерациясида у ёки бу номзодни қўллаб - қувватлаш учун тегишли округ сайловчиларининг камида бир фойзининг имзосини олиш зарур³. Литвада алоҳида шахслар камида бир мингта имзо тўплаган

2 Руководство ОБСЕ / БДИПЧ по наблюдению за выборами. Второе издание. – Варшава: 1997. 38- б.

¹ Каримов И.А. Ватан озодлиги – олий саодат. – Т.: Ўзбекистон. 1999, 111-б.

2 Руководство ОБСЕ / БДИПЧ по наблюдению за выборами. Второе издание. – Варшава: 1997. 39- б.

3 Статья 41 Закона «О выборах Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации». – Сборник законодательных и иных правовых актов по вопросам выборов в федеральные органы государственной власти Российской Федерации. – М.: Весь мир. 1997. 122-б.

4 Статья 30 Закона «О выборах в Сейм Литовской Республики». – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти Назорат-ахборот бўлимининг жорий архиви. 3-д-сонли иш. 196-б.

5 Статья 20 Закона «О выборах в Депутатов Государственного Собрания Эстонской Республики». – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти Назорат-ахборот бўлимининг жорий архиви. 3-д-сонли иш. 196-б.

тақдирда бир мандатли сайлов округлари бўйича ўз номзодини кўрсатиши мумкин⁴. Эстонияда Давлат мажлиси депутатлигига ўзини ўзи номзод этиб кўрсатиш учун сайлов бадали тўлаш талаб қилинади⁵. Адабиётларда бундай шартлар танқид қилиниб, белгиланган қийматдагидан кам мол-мулкка эга бўлган фуқароларни сайловда иштирок этишдан четлаштириб қўйиш қайд этилади ва аксинча, Линда Эджворт таъкидлаганидек, демократия қарор топган кўплаб мамлакатларда айрим шахслар имзолар тўплаш жараёнида сайловда мустақил номзод сифатида иштирок этиш ҳуқуқини олиш воситаси тарзида фойдаланадилар¹.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги Қонун 22¹ – модда билан тўлдирилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатиш учун тегишли округнинг камида уч юзта сайловчисидан иборат миқдорда сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузишлари мумкин². Моддада ташаббускор гуруҳни рўйхатга олиш ва депутатликка номзодларни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларини тўплаш тартиби белгилаб қўйилган, уларнинг сони эса округдаги сайловчиларнинг саккиз фоизидан кам бўлмаслиги керак. Қонундаги бу қўшимча фуқароларнинг сиёсий –ҳуқуқий фаоллигини ошириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Маълумки, сайлов жараёнининг ошқоралиги нуқтаи назаридан унинг энг муҳим жиҳатларидан бири сайловларни кузатиш имконияти мавжудлигидир. Копенгагенда 1990 йилда қабул қилинган ЕХХТ бўйича мажбуриятлар сайлов жараёнининг нуфузини оширишда кузатувчиларнинг ролини алоҳида ажратиб кўрсатади. Хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг иштирок этиши сайлов жараёнининг ҳалоллигини кучайтириши, сайловнинг ялпилиги ва тенглиги, овоз беришнинг яширинлиги, адолатлилик, эркинлик ва очиқлик каби демократик тамойилларга риоя этилишини таъминлаши мумкин³.

Олий Мажлисга ўтказилган биринчи сайловнинг амалиётини таҳлил этиш ва мутахассисларнинг фикрларини умумлаштириш, кузатувчилар институтини

1 Парламенту зарубежнѹх стран. Справочник. – М.: Политиздат. 1968. 280-б.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни янги таҳрирда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-ноҳмаси. 2003.

3 Руководство ОБСЕ / БДИПЧ по наблюдению за выборами. Второе издание. – Варшава: 1997. 3-4-б.

такомиллаштириш ҳамда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Шу боис халқаро тажрибани ва ўз амалиётмизни ҳисобга олиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги Қонуннинг 6-моддаси янги таҳрирда баён қилинди³. Унда сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар сайлов жараёнида номзодлар кўрсатишдан ва уларни рўйхатга олишдан бошлаб, овоз беришнинг натижаларини ҳисоблаш ва сайлов яқунларини эълон қилишнинг яқуний тартиб-тамойиллари тугагунга қадар иштирок этиши назарда тутилган. Бундан ташқари, модда кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи бир қатор нормаларни ўз ичига олган. Бу мажбуриятлар участка сайлов комиссияси аъзоларининг хатти-ҳаракатларини виждонан ва ҳолисона кузатиш, уларнинг ишига аралаштишдан тийилиш, сайловчилар ўз ҳошиш-истакларини билдиришларига ҳалақит бермаслик талабларидан ва бошқа айрим қоидалардан иборат.

Шундай қилиб, Ўзбекистон сайлов жараёни қатнашчилари давраси яна бир фаол фигура билан бойиди. Бу фигура фаолиятининг мазмуни сайловлар қонуний тарзда ўтказилишида ва унинг яқунларини аниқлашда назорат олиб боришдан иборат.

Сайлов жараёнинг муҳим босқичи – овоз бериш жараёнига жиддий ўзгартиришлар киритилган. Бошқа аксарият мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам овоз беришда иштирок этиш фуқаровий ҳуқуқ сифатида қаралади. Бу ҳуқуқни амалга ошириш Конституция томонидан кафолатлангандир. Шундай мамлакатлар ҳам борки (Греция, Бразилия), уларда бу ҳуқуқ мажбурий тамоилга кириб қолган Коста-Рикада сайловларда иштирок этиш «мажбурий ва биринчи галдаги фуқаровий вазифа» (Конституциянинг 93-моддаси) деб қаралади. Ана шу мажбуриятнинг бузилиши, қоида тариқасида, сайловчи шахсий эркинлигининг чекланишига олиб келмайди. Бироқ айрим мамлакатларда муайян жазолар қўлланилиши ҳам назарда тутилган. Чунончи, Бельгияда сайловда иштирок эта олмайдиган шахс тегишли сабаб-далиллари барвақт судьяга тақдим этиб, уни хабардор қилиб қўйиши керак. Агар сайловчи шундай қилмаса ёхуд судья келтирилган вазиларни эътиборга лойиқ эмас деб топса, сайловчи биринчи гал уч франк миқдорида жаримага тортилади, иккинчи марта эса 3 франкдан 25 франккача миқдорда жаримага тортилади. Агар сайловчи учинчи марта ҳам шундай қоидабузарликка йўл қўйса, унинг исми-шарифи махсус тахтага ёзилади ва бу ёзув кўринарли жойга осиб қўйилади. Агар тўртинчи марта

хам шундай одобсизлик қилса, 15 йил муддатга сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилади ва 10 йил давомида у давлат хизматида ёхуд маҳаллий маъмуриятда ишлаши мумкин бўлмай қолади. Мажбурий овоз бериш тартиби жорий этилишининг назарий асосланганлигидан қатъи назар, бундай тадбирлар сайловда иштирок этишдан бўйин товлаётган шахсларни камайитишга қаратилган ҳозирда сайловчилардаги абсентеизм (сайловларда қатнашмаслик, унда иштирок этишдан бўйин товлаш, қочиш) кўпчилик мамлакатларга деярли хосдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сайловларда иштирок этишдан бўйин товлаш ҳоллари барча мамлакатларда ошиб бормоқда¹.

Дунё мамлакатлари сайлов қонунчилиги ва сайлов кампаниялари тажрибасидан сайлов ҳуқуқининг асосига айланган сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари шаклланган бўлиб, улар **умумий, тенг** ва **тўғридан тўғри** сайлов ҳуқуқи тамойилларидир. Умум қабул қилинган ушбу тамойиллар асосида сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда турли давлатларнинг сайлов қонунларида турли чекловлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Бундай чекловлар конституциявий ҳуқуқда **сайлов цензлари** деб аталади.

Бу цензлар тегишли қонунларда сайлов ҳуқуқларини олиш ёки амалга ошириш учун ўрнатилган шартлар бўлиб улар турли давлатларда турлича бўлиши мумкин. Бу цензлар ичида энг кўп учрайдигани ёш ва фуқароликка тегишли бўлса, баъзи давлатларда мулкый ҳолати, жинси, ирқи, тилига қараб белгиланадиган демократик принципларга мутлақо тўғри келмайдиган чекловлар ҳам учраб туради.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз навбатида актив ва пасив сайлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин.

Актив сайлов ҳуқуқи яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини кўзда тутади. Бу ҳуқуққа қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар.

Ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара анча юқори қўйилган. Масалан, Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган қонунга кўра сайлов қонунига 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган. Қирғизистонда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқароларнинг 18

¹ Сравнительное конституционное право / Отв. Ред. В.Е. Чиркин / - М.: Манускрипт, 1996. 396-397-б. Россия: партии, выборы, власть. - М.: Обозреватель, 1996. 15-б.

ёшга тўлган бўлиши кераклиги 1999 йил 29 апрелда қабул қилинган Қирғизистон Республикасида сайловлар тўғрисидаги Кодекс билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноан 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар¹.

Фуқаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентига сайловлар пайтида Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қоида Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган.

Пассив сайлов ҳуқуқи, яъни сайланиш ҳуқуқига ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўладилар.

Турли давлатларда турли давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин.

Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи турли давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пассив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига, Республика Президентлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт¹. Ундан ташқари барча номзодларнинг ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Ўзбекистонда фуқаролар Халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 21 ёшга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиш учун 25 ёшга, Республика Президентлигига сайланиш учун эса 35 ёшга етган бўлиши керак.

Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган қонуннинг 4-моддасига кўра Давлат Думасига депутат бўлиб сайланиш учун сайлов кунигача 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Сайланиш ҳуқуқи ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиши мумкин. Масалан, Италияда сенатор бўлиш учун номзоднинг 40 ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентига номзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаров суммаси талаб қилинади.

Президент бўлиб сайланиш учун номзод Ўзбекистонда камида охириги 10 йил ичида

¹ Ўзбекистон Республика Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003й. 32-б.

¹ Droit constitutionnel et libertes, Edition SIREY, 1998, pp 50-52

доимий яшаган бўлиши ва давлат тилини яхши билиши керак. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка сайланиш учун номзод камида сўнгги беш йилда Ўзбекистонда доимий яшаган, қасддан содир этган жиноятлари учун аввал судланмаган бўлиши керак.

Шу нарса тўла-тўқис равшанки, фуқароларда жамият турмушининг сиёсий-ҳуқуқий соҳасига қизиқиш муайян тизим асосида ва мутассил шакллантирилмаса, сайловчиларнинг фаоллиги кучайтирилмаса ва овоз бериш вақтида онгли равишда номзодларни танлаш учун ҳақиқий омиллар яратилмаса, ҳар қандай қонунчилик нормаларининг ва сайлов технологияларининг самарадорлиги юқори бўлмайди. И.А. Каримов таъкидлаганларидек, «... бугунги кунда ўз миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида одамларимизнинг, сайловчиларимизнинг сиёсий савияси ва маданиятини ошириш, уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини чуқур англаши энг муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда»¹.

Шу тўғридаги фикрларини давом эттириб Президентимиз шундай дедилар: “Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу сайловларнинг олдинги сайловлардан фарқи ҳар жиҳатдан катта бўлди. Бу ҳақиқатни биз билан бирга халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этмоқда. Жаҳон матбуотида таниқли сиёсатчи ва шарҳловчиларнинг бу ҳақдаги хулосалари ҳамон чоп этилаётгани ҳам шундан далолат беради”²⁴.

Ўзбекистон Республикасини ҳозирги даврда амалга оширилаётган ислохотларининг бош мақсади — мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Бу эса республикаимизда кечаётган сиёсий-ҳуқуқий жараёнларнинг шиддат билан ривожланиши шароитида ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва уларни ҳуқуқий тартибга солинишини тақозо этади.

Ҳуқуқий давлат принципнинг асл моҳияти давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг асосий усули бўлган сайловларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши билан, умум эътироф халқаро нормалар асосида миллий сайлов қонунчилигимизни яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Сайлов жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши халқаро ҳуқуқ нормаларига мутлақо мос келади. Сайлов қонунчилиги илғор демократик давлатларининг ижобий тажрибаси мукаммал тартиблари ҳамда миллий анъаналаримиз билан йўғрилган. Шунга қарамай сайлов жараёнларида вужудга келадиган шундай ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги, бу ўз навбатида сайлов институти билан боғлиқ бўлган

¹ Каримов И.А. Ватан озодлиги — олий саодат. Биринчи чакиряқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маъруза.—Т.: Ўзбекистон. 1999. 12-13-б.

²⁴ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т. Ўзбекистон. 2005 йил.

ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришни тақоза этганлиги сабабли, сайлов қонунчилиги ривожланиш тенденцияси намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг демократик принципларга асосланган миллий сайлов қонунчилигини яратиш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Демократик ислохотларнинг ҳар бир босқичида сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш, уни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига 2003, 2008, 2012-йилларда киритилган бир қатор ўгартириш ва қўшимчалар сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Давлат ҳокимияти органларини шаклланишида бирламчи омил ҳисобланган сайлов усули орқали ҳокимият тизимини вужудга келтириш ва ривожлантириш қонуниятлари, уларнинг тадрижий ўзгариши ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш олимларнинг асосий диққат марказида бўлиб келган. Шунингдек сайловлар ҳақидаги билимлари мизни чуқурлаштириш, бу билимларни тарғиб қилиш ҳамда уларни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси онгига етказиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу рисола кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган бўлиб, унда сайлов бўйича халқаро меъёрлар тизими, Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг демократик принциплар асосида миллий сайлов қонунчилик тизимининг яратилиши ва ривожланиши билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

Хулоса

Маълумки, республикамызда илк бор шаклланадиган икки палатали парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, 2004 йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловлар Олий Мажлисга ўтказилган олдинги сайловлардан бир қанча хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу хусусиятлардан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида Олий Мажлисга сайлов тайинлаш, депутатликка номзодларни кўрсатиш, депутатларни рўйхатга олиш ва сайловларни ўтказиш муддати билан боғлиқ масалаларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида кўрсатилишича: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида

ўтказилади». Яъни муддат аниқ белгиланиб қўйилди. Олдинги сайловларда сайлов тайинланарди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга сайлов тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар эгадирлар. Лекин, қонунда республика сиёсий партияларининг депутатликка номзодлар кўрсатиши учун айрим шартлар ҳам кўрсатилган. Улар қуйидагилардан иборат: сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина, у депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг ҳар бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоиз(қонуннинг олдинги таҳририда бу миқдор ўн фоизни ташкил этарди) имзосини тўплаши лозим.

Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида сайлов жараёнида имзо варақаларида имзолар сохталаштирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этиши қайд этиб ўтилган эди. Аммо бу моддада ташаббускор гуруҳлар томонидан имзолар сохталаштирилган ҳолатлар юз берган тақдирда уларни сайловда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши назарда тутилмаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партиялар сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қонунда кўрсатилган керакли ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тўхтатилади. Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

Сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига юз йигирма нафар номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар ўзлари ҳал этадилар. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларинигина эмас, балки партиясизларни ҳам депутатликка номзод этиб

кўрсатишлари мумкин. Республикамизда хотин – қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида, давлат бошқарув жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида сайлов тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартириш киритилиб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22 – моддаси 5-банд билан тўлдирилди. Бу бандда кўрсатилишича: «Хотин - қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим». Бу қоида сайлов жараёнида қўлланилиши натижасида Қонунчилик палатаси депутатларининг қарийб 18% ини хотин – қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга ўтказилган сайловдагидан икки ярим баравар кўпдир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг олдинги таҳририда Олий Мажлис депутатлигига номзодларга маълум талаблар қўйилган бўлиб, хусусан қонуннинг 23-моддасида қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмасликлари тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилган эди. Янги таҳрирдаги сайлов тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга қўйилган талаблар ўзгартирилган бўлиб, содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларгина депутатликка номзодларини қўйишлари мумкин эмаслиги қайд этилган. Ваҳоланки судланганлиги қонун йўли билан олиб ташланган ёки тугалланган шахслар депутатликка номзодларини қўйиши, яъни сайланиш ҳуқуқидан тўла фойдаланиши мумкин. Бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалаларига кенг эътибор берилаётганлиги ва жамиятимизнинг янада демократиялашаётганлиги белгисидир.

Сайлов қонунчилигига киритилган яна бир ўзгартиришга асосан (қонуннинг 44-моддаси) сайловда сайловчиларнинг рўйхатида киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этса сайлов ўтмаган деб топилади. Бу миқдор олдинги сайлов қонунчилигида эллик фоизни ташкил қиларди.

Хулоса тарзида шуни айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг такомиллашуви, демократик принципларга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги дадил қадам деб ҳисоблашимиз мумкин. Юқоридаги фикрларимизни умумлаштириб қуйидаги **таклиф ва мулоҳазаларни** билдирмоқчимиз:

- Фикримизча сайлов жараёнида ташаббускор гуруҳ томонидан номзодлар кўрсатиш пайтида имзолар сохталаштирилса ташаббускор гуруҳ сайловда иштирок этишдан маҳрум этилиши лозим; Негаки иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида сайлов қонунчилигининг 20 - моддасига

қўшимча киритилиб, имзо варақаларида имзолар сохталаштирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка номзодларни рўйхатга олишни рад этиши тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилди. Лекин шу ўринда табиий бир савол туғилиши, яъни имзоларни сохталаштирган тақдирда сиёсий партияни умуман сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши қоидаси, нима сабабдан ташаббускор гуруҳнинг ўзига нисбатан эмас, балки фақат ташаббускор гуруҳ томонидан кўрсатилган номзодгагина қўлланилади? Биринчидан, имзоларни тўплаш жараёни билан асосан депутатликка номзод шахс эмас, балки бевосита ташаббускор гуруҳ шуғулланади. Шундай экан, ташаббускор гуруҳ ҳам сохталаштирилган номзодлар бўйича тўла жавобгар ҳисобланади. Бу масаланинг иккинчи томони, кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш рад этилса, ташаббускор гуруҳ унинг ўрнига янги номзодни кўрсатиши мумкин деган ҳулоса келиб чиқмайдими? Бу эса сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳнинг сайловларда тенг ҳуқуқ асосида иштирок этиш мувозанатига таъсир кўрсатмайдими? Фикримизча, ушбу қоидага аниқлик киритилиб, унда ташаббускор гуруҳнинг ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича жавобгарлик масалаларини янада аниқроқ белгилаб қўйиш лозим.

- Сайлов тизими, сайлов қонунчилиги тўғрисидаги мақолаларни, илмий мулоҳазаларни фақат сайлов кампанияси вақтида баҳор ёмғиридан кейинги кўзиқориндай оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинмасдан. Доимий равишда бу мавзунини ёритиб, халқнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини шакллантириб бориш уларнинг сайловларда фаол иштирок этиши нафақат сайловчи сифатида, балки номзод сифатида ҳам иштирок этиб, сайланиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, шу мавзуда илмий тадқиқот натижаларини доимий эълон қилиб бориш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати **Раҳбарий адабиётлар**

Каримов И.А Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. – Т. “Ўзбекистон” 1999. 310 б

Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” Т. Ўзбекистон. 2005 йил. 6-7-б.

Каримов И.А. Ватан озодлиги – олий саодат. – Т. Ўзбекистон. 1999, 11-б.

Конституция, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993.№1.11 б
3. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сёсий партияларнинг рлини кучайтириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонуни. “Халқ сўзи” 2006 йил 9 ноябрь
4. “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т. «Ўзбекистон». 2004. 6-б.
5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги “Қонун лойиҳасини тузиш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида”ги қарор. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993.№3.28-29б
6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги “Қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш ҳақида”ги Олий Кенгашнинг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1993.№6.176 б
7. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т. Адолат 2004 й. 30-б.
8. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида» ги халқаро Пакт. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т. Адолат 2002 й
9. Статья 41 Закона «О вўборах Государственной Думў Федерального Собрания Российской Федерации». – Сборник законодательнўх и инўх правовўх актов по вопросам вўборов в федеральнўе органў государственной власти Российской Федерации. – М. Весь м ир. 1997. 122-б.

10. Статья 30 Закона «О выборах в Сейм Литовской Республики». – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибяти Назорат-ахборот бўлимининг жорий архиви. 3-д-сонли иш. 196-б.
11. Статья 20 Закона «О выборах в Депутатов Государственного Собрания Эстонской Республики». – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибяти Назорат-ахборот бўлимининг жорий архиви. 3-д-сонли иш. 196-б.

Махсус адабиётлар

1. Амаллер М. Парламенты (Пер. с англ.).- М. Прогресс. 1967. 61-68 б
2. Бакаева Ф «Организация выборов в представительные органы государственной власти на местах». Т. ТДЮИ, 2004 г. 38 ст
3. Калмиков М. Так сколько партий нужно обществу?// Эхо планеты 2000.№13.8 б
4. Матейкович М.С. Проблемы правового регулирования выборов в законодательные органы государственной власти субъектов Российской Федерации// государство и право.1998.№7.53-б
5. Мустафоев Б. «Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги» - Т. ТДЮИ, 2004 йил. 28 б.
6. Мухамедов Х.М. Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими. Т. ТДЮИ, 2004, 3-б.
7. Жумаев О «Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги этикаси» Т. ТДЮИ, 2004 йил. 26 б.
8. Одилқориев Х Конституция ва фуқаролик жамияти. Т. Шарқ 2002. Хозирги замон халқаро ҳуқуқи . Т 2002й.
9. Одилқориев Х Икки палатали парламент.Т. Шарқ. 2004 йил.
10. Саидов А.Х. Конституция ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Рисола Т. ТДЮИ 2005 йил. 44 б
11. Саидов А.Х. Парламент ислоҳоти: ўзбек модели. Ҳаёт ва қонун. 2002 йил. №2 3-8 б;
12. Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. Т., 1993, 52-бет.
13. Саидов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан: вопросы реформы, законодательство и зарубежный опыт (юридические и политологические заметки).- Т. Узбекистон. 1993. 29 -б
14. Собиров И. Беков И.Р., Аббосхўжаев Ш.А. Сайлов ва сиёсий партиялар. Т. ТДЮИ, 2004 йил. – 40б.
15. Сравнительное конституционное право//Отв.ред.В.Е.Чиркин/.-М.Манускрипт.1996. 404 б
16. Тошқулов Ж «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 11-б.
17. Турсунов А.С.– Парламент ислоҳоти: ўзбек модели.- Ҳаёт ва қонун 2002 №2 4-б
18. Хидиров С.М. Ташаббускорлик ва масъуллик, сенат фаолиятининг асосидир. Ҳуқуқ ва бурч. 2006 йил 1- сон. 18-19 б
19. Хидиров С.М. Сенат ва маҳаллий Кенгашлар.Ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари. Инсон ва қонун. 2006 й. 28 феврал;
20. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Т. ТДЮИ Муаллифлар жамоаси. 2005 йил.
21. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Ҳуқуқшунос. Т. 2006 йил № 1-2 сон. 60- б.
22. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Т. ТДЮИ. 2005 йил.
23. Ҳалилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар.(Монография) Т. Ўзбекистон 2001 йил.
24. Қайумов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т. Адолат 1998 йил.

25. Қудратхўжаев Ш. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 42-б.
26. Ғулом Мирзо. Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари. –Т. ТДЮИ, 2004 йил. - 72 б.
27. Хусанов О.Т. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир. Ҳаёт ва қонун. 2005 йил. 1-сон. 13-15 б,
28. Хусанов О.Т.Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтиш зарурати Жамият ва бошқарув. 2004 й №3 11-13 б.
29. Хусанова М “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти. Т. ТДЮИ, 2004 йил. 29 б.
30. Государственное право Германии. Т.1. –М., 1994. 118-б.
31. Юдин Ю.А. Финансирование политических партий в зарубежных странах (Правовая регламентация). – Государство и право. 1996. №6. 149-б.
32. Парламенты зарубежных стран. Справочник. – М. Политиздат. 1968. 280-б.
33. Сравнительное конституционное право / Отв.Ред. В.Е. Чиркин / - М. Манускрипт, 1996. 396-397-б. Россия: партии, выборы, власть. – М. Обозреватель, 1996. 15-б.

Қўшимча адабиётлар

1. Литва Республикасида сайлов компанияси ўтказилишининг тажрибаси тўғрисидаги маълумотнома. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси котибияти Назорат-ахборот бўлимининг жорий архиви. 1993.№3. 123-130 б
2. Руководство ОБСЕ / БДИПЧ по наблюдению за выборами. Второе издание. – Варшава: 1997. 38- б.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи семинар – кенгши материаллари (1994 йил 14-16 ноябр) – Т. Ўзбекистон.1999. 87 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи семинар – кенгши материаллари (1994 йил 14-16 ноябр) – Т. Ўзбекистон.1999. 71 б
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи семинар – кенгши материаллари (1994 йил 14-16 ноябр) – Т. Ўзбекистон.1999. 95 б
6. Droit constitutionnel et libertes, Edition SIREY, 1998,pp 50-52